




Қувонтирадиган натижалар
кўп, аммо ечилмаган
муаммолар ҳам

3-с.

“Рамазон — саховат, бирдамлик ва бағрикенглик оyi”

“Муборак Рамазон ойини муносиб тарзда ўтказиш
тўғрисида”ги Президент қарори қабул қилинди.

8-с.



ЎЗБЕКИСТОН МАҲАЛЛАЛАРИ УЮШМАСИНИНГ ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ, МАЪНАВИЙ-МАЪРИФИЙ ГАЗЕТАСИ

2025 йИЛ
1 МАРТ,
ШАНБА

Maʼhalla

№16
(2240)

WWW.UZMAHALLA.UZ

ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚИГА ТАБРИК

Қадрли ватандошлар!

Аввало, сиз, азизларни, юртимизда-
ги барча мўмин-мусулмонлар ва бутун
халқимизни эзгулик, хайру саховат
ва меҳр-оқибат оyi бўлган Рамазони
шарифнинг кириб келиши билан чин
қалбимдан самимий муборакбод этаман.

Ушбу қутлуғ айёмда мана шундай
мунаввар оyiни эл-юртимиз билан
биргаликда тинч ва осойишта муҳитда
кутиб олаётганимиз учун Аллоҳ таолога
беҳисоб шукроналар айтамиз.

Ҳозирги вақтда барча соҳа ва тар-
моқлардаги ислохотларимиз муқаддас
ислом динининг одампийлик моҳиятига

уйғун бўлган “Инсон қадри учун, инсон
бахти учун” деган эзгу ғоя асосида амал-
га оширилаётганини кўплаб мисолларда
кўриш мумкин.

Жумладан, ижтимоий ҳимоя тизими
самарасини юксалтириш, беморлар,
ногиронлиги бўлган, кекса ва ёрдамга
муҳтож инсонларни, ёшлар ва хо-
тин-қизларни, чет эллардаги фуқарола-
римизни ҳар томонлама қўллаб-қувват-
лаш, фарзандларимизнинг таълим-тар-
биясига эътиборни кучайтириш, муқад-
дас қадамжо ва зиёратгоҳларни обод
қилишга қаратилган савъ-ҳаракатлар
тобора кенгайиб бораётганини таъкид-

лаш лозим.

Бу борада бошлаган ишларимизни
изчил давом эттириш, юртимиздаги тинч
ва фаровон ҳаётни, миллатлар ва динла-
раро ҳамжиҳатлик муҳитини кўз қора-
чигидек асраб-авайлаш бундан буён ҳам
доимо эътиборимиз марказида бўлади.

Пок ниятлар ижобат бўладиган ушбу
қутлуғ ойда жаҳоннинг турли минтақа-
ларидаги уруш-жанжаллар, низо ва
адоватлар барҳам топиб, бутун дунёда
тинчлик, ўзаро ҳурмат, бағрикенглик
ва ҳамкорлик барқарор бўлишини чин
дилдан сўраб, дуолар қиламиз.

Ер юзидаги барча мўмин-мусулмон

биродарларимизни, дўст ва ҳамкорла-
римизни Рамазон ойининг бошланиши
билан самимий қутлаб, уларнинг мам-
лакатлари ва халқларига осойишталик,
равнақ ва фаровонлик тилаймиз.

Азиз ватандошлар!

Рамазони шарифни оила ва яқин-
лар даврасида катта хурсандчилик
билан кутиб олаётган сиз муҳтарам
юртдошларимни яна бир бор табриклаб,

барчангизга сиҳат-саломатлик, бахту
саодат, хонадонларингизга файзу барака
тилайман.

Ушбу муқаддас ойда қилинадиган
ибодат ва дуолар, эҳсон ва амалларни
Парвардигори олам ўз даргоҳида қабул
этсин!

Халқимизнинг эзгу орзу-интилишла-
ри рўёбга чиқсин!

Рамазон оyiи барчамизга муборак
бўлсин!

Шавкат МИРЗИЁЕВ,
Ўзбекистон Республикаси
Президенти

УЮШМА КУНДАЛИГИ

МАҲАЛЛА ИШИГА "ЕТТИЛИК" БИРДЕК МАСЪУЛ!

Ўзбекистон маҳаллалари
уюшмаси раиси Қахрамон
Қуронбоев раислигида
"маҳалла еттилиги"га масъул
вазирлик ва идоралар
мутасаддилари иштирокида
учрашув ўтказилди.



Унда "маҳалла еттилиги" фаолияти
танқидий таҳлил қилинди. Аввало,
май-июнь ойларида ўтказилади-
ган маҳалла фуқаролар йиғинлари
раислари сайловини ташкил этиш,
жараёнга масъул ташкилотларнинг
вазифалари батафсил тушунтирилди.

Шунингдек, мамлакатимиз бўйлаб
ўтказилаётган "Яшил макон" умум-
миллий лойиҳаси ва "Обод хонадон",
"Обод кўча", "Обод маҳалла" ойлги
доирасида амалга оширилаётган
ишлар таҳлил қилинди. Бу ишга
"маҳалла еттилиги"га масъул ташки-
лотлар ҳам бирдек жавобгар экани
тушунтирилди.

Кейинги масала — фаолиятни
рақамлаштириш бўйича. Айни пайтда
"еттилик" турли тарқоқ платформа-
лардан фойдаланмоқда. Бугунги
кунда "Рақамли маҳалла" платформа-
си жорий этилган бўлиб, айни пайтда
ҳамкор ташкилотлар билан интег-
рация жараёнлари олиб борилмоқда.
Йиғилишда бу ишларни жадаллашти-
риш бўйича топшириқ берилди.



“ҒОЛИБЛИК — “МАҲАЛЛА ЕТТИЛИГИ”ГА БЕРИЛГАН ЮКСАК БАҲО”

Ёшлар ижод
саройида Тош-
кент шаҳридаги
маҳаллалар ўрта-
сида ўтказилган

“Энг намунали маҳалла”
кўрик-танловининг якуний
босқичида маҳалламиз
ғолиб деб топilib, бош
соврин — “BYD” электро-
моби́ли калити тантанали
равишда топширилди.

Шу лаҳзалардаги
ҳаяжон ва қувончимни сўз
билан таърифлашга ожиз-
ман. Мукофотни олар экан-
ман, кўз олдимдан илк бор

“

Бугунги эътирофга сабаб бўлган
ишлар танловда ғолиб чиқиш учун
қилинган эмас. Биз ўз вазифамизни
бажарганимиз, холос. Ҳеч қачон
бирор ютуққа эришсак, “меники” деб
айтмайман. Барча натижа бизники,
маҳалланики! Жумладан, бугунги
эътироф — “маҳалла еттилиги”,
фаоллар, кўчабоши ва уйбошиларга
берилган юксак баҳодир.

маҳалла раиси сифатида
иш бошлаган кезларим
бир-бир ўтди...

Ушбу масъулиятли ла-
возимда ишлаётганимга
17 йил бўлди. Ўтган
даврдagi машаққатлар-
ни енгиб ўтиш, бугунги
ютуқларга замин яратиш
осон кечмаган. Ишона-
сизми, илк иш кунини
яқунлаб, уйга қайт-
ганимда турмуш ўртоғим
танний олмаган. Маҳалла
бизнеси 1972 йилда ҳа-
шар йўли билан қурил-
гани учун шароит шунга

яраша эди. Ҳатто, хонада
иш стули йўқ эди. Азалдан
муаммони кимдир келиб,
ҳал қилиб беришини
кутишга ўрганмаганман.
Изланиб, имкон топишга
одатланганман. 2009
йилда маҳаллий тадбир-
корлар, фаоллар билан
маслаҳатлашиб, ҳашар
йўли билан янги маҳал-
ла биносига тамал тоши
қўйдик. Натижада барча
шароитга эга бино қад
ростлади.

(Давоми 2-саҳифада).

БУГУНГИ СОНДА:

“Энг яқин кўмакчи, ишончли ҳамкорга айландик”

Савдо-сотиқ, маиший ҳамда
сервис хизмат кўрсатиш
соҳасида тадбиркорлик
қилишни истаётган фуқаро-
лар кўп, лекин жой муаммо
бўлапти. Аксариятнинг
аукцион орқали ер сотиб
олиш имконияти йўқ. Агар
уларга ер майдони ажратиб
берилса, тадбиркорлар сони
ортиб, кўплаб ишсизлар
ишли бўларди.

5-с.

30,6 фоиз маҳаллада жиноят содир этилмади

Бевосита маҳаллаларда
жиноятчиликни жиловлaш
мақсадида салмоқли ишлар
амалга оширилган. Натижа-
да жами маҳаллаларнинг
30,6 фоизида жиноят содир
этилишига йўл қўйилмаган.
Ўз навбатида, жиноятлар
қайд этилган маҳаллалар-
нинг 14,3 фоизи “қизил”
тоифага киритилган.

6-с.

Муҳими, кўмак ва эътиборни тўхтатмасак бас...

Биринчи кўрсатган бу
ёрдамим ҳали-ҳамон мени
ҳаяжонлантиради. Ишим-
нинг нақадар савобли экан-
ини ўшанда ич-ичимдан
ҳис қилгандим. Гарчи кичик
хизмат бўлишига қарамай,
бир муҳтожнинг оғирини
енгли қилганимдан хурсанд
бўлгандим.

7-с.

Миллий қўшиқчилик
санъатимизнинг
толмас тарғиботчиси,
Ўзбекистон халқ
артисти Ғуломжон
Ёқубов ўзининг
жўшқин қўшиқлари,
ўзига хос ижро
услуги билан
санъат мухлислари
эътиборини қозонган.
Шу кунларда
санъаткор қутлуғ 75
ёшини қаршиламoқда.

(Давоми 2-саҳифада).

МИЛЛИЙ ҚЎШИҚЧИЛИК САНЪАТИ ЙЎЛИДАГИ ФИДОКОРОНА ИЖОДНИНГ ЮКСАК ЭЪТИРОФИ



Ҳар бир маҳалладаги 10 та хонадон кафолатли даромадга эга бўлади

Президентнинг
тегишли қарорига
кўра, “Янги
ёндашувлар асосида
аҳоли бандлигини
таъминлаш,
тадбиркорликка
жалб қилиш ҳамда
камбағалликдан
чиқариш бўйича
“йўл харитаси”
тасдиқланган.

“

Камбағал
оилалар
120 та кўрсат-
кич асосида
тўлиқ ўргани-
лади.

“Йўл харитаси”га асосан,
республика бўйлаб ҳар бир
маҳаллада 10 тадан хона-
донга йилига 60-70 миллион
сўм кафолатли даромад кел-
тирадиган лойиҳалар пакети
тақдим этилади. Лойиҳа
пакети етказиб берилади-
ган 94 мингта хонадоннинг
манзилли рўйхати шаклланти-
рилади. Бу дегани, маҳалла
банкirlлари ва ҳоким ёрдам-
чилари ҳар бир оиллага тайёр
лойиҳа ёки бизнес режа
таклиф қилади.

“Маҳалла еттилиги”
9 452 та маҳалладаги
камбағал оилалар ша-
роити ва камбағалликка
тушиш сабабларини 120
та кўрсаткич асосида
тўлиқ ўрганади. Тўман ва
шаҳарларда мингта (шу
жумладан, оғир тоифадаги
300 та маҳаллада) маҳал-
ла сервис компаниялари-
ни ташкил этиш орқали
15 минг нафар камбағал
оила аъзолари бандлиги
таъминланади.

ЖАРАЁН



“Муборак Рамазон ойини муносиб тарзда ўтказиш тўғрисида”ги Президент қарорига кўра, 1 мартдан РАМАЗОН ОЙИ бошланади.



Шавкат Мирзиёев СУД ТИЗИМИ фаолиятини янада яхшилаш чора-тадбирлари юзасидан ййғилиш ўтказди.



Президент Шавкат Мирзиёев Туркия Республикаси Президенти Режеп Таййип Эрдоғани таваллуд куни билан САМИМИЙ ТАБРИКЛАДИ.

(Давоми.
Бошланиши 1-саҳифада).

“Ғолиблик — “маҳалла еттилиги”га берилган юксак баҳо”



Убайдулла МИНАВВАРҲУЖАЕВ, Яшнобод туманидаги “Беҳизор” маҳалласи раиси.

Тажрибамдан келиб чиқиб айтишим мумкинки, ҳар қандай муаммога ҳамкорликда, маҳалланинг ўзида ечим топса бўлади. Бунинг учун ҳуқуқий асос яратилган. Айниқса, “маҳалла еттилиги” фаолияти йўлга қўйилиб, “Маҳалла бюджети” тизими жорий этилгани молиявий мустақиллигимизни таъминлади, “қўлимизни узун қилди”. Бу каби ислохотлар кишини янада яхши ишлашга, ташаббус кўрсатишга ундапти.

Худудда 4 119 нафар аҳоли бўлиб, ўсиш нуқтамыз — тадбиркорлик ва хизмат кўрсатиш. Кутубхона, 19 та савдо дўкони, 5 та овқатланиш шохобчаси, спорт майдончаси, болалар боғи ва бошқа объектлар жойлашган.

Президент билдирган ишончни оқлаш учун маҳалла фаоллари мутасадди ташкилотлар вакиллари билан биргаликда уйма-уй юриб, ҳар бир хонадонга кириб, фуқароларнинг муаммоларини ўрганилмиш. Бир қанча мезонлар асосида савол-жавоб ўтказилмиш. “Еттилик” сазй-ҳаракати билан эҳтиёмжанд, ишсиз оилалар аниқланиб, уларга зарур ёрдам кўрсатилляпти. Аниқланиб, деётганим бежиз эмас. Боиси, ҳақиқатан муҳтож оилалар уйма-уй юриш

асносида рўйхатга олинляпти. Аҳолининг аксарияти ор-номусли, ўзини камбағал дейишдан андиша қилади. Ҳадеб маҳаллага ёрдам сўраб чиқавермайди. Шунчаки уларга озрок эътибор берилса, турмуш шароити янада яхшиланиб, даромади ошади. Мана шу жараёнда боғловчи ва кўприк вазифасини ўтайлмиш.

2024 йилда 7 нафар камбағал оила рўйхатга олинган бўлса, “Камбағалликдан фаровонлик сари” дастури асосида бугун барчаси даромадли, ўзига тўқ. Ўтган йилги хатловда қайд этилган 52 нафар ишсизнинг бандлиги таъминланди. Лекин бу рақамлар битирувчилар ва миграциядан қайтганлар ҳисобига доимий ўзгариб туради. Шу боис 2025 йилда яна 36 нафар ишсиз рўйхатга олинди. Ҳозирда уларнинг бандлигини таъминлаш чораси қўриляпти. 59 нафар миграциядаги маҳалладошимизнинг 17 нафари оиласининг бағрига қайтди. Улар доимий ишга жойланиб, касб-хунар марказига йўналтирилди.

Ислохотлар, аввало, худуддаги ижобий ўзгаришларда акс этади. Шу маънода ҳар бир кўча ва хонадон ободлик, кўркемлик касб этган. Худудда “Яшил макон” лойиҳаси доирасида жами 1 минг 500 та гул кўчати, мевали ва манзарали дарахт экилди. 314 та хонадонда томорқадан самарали фойдаланиш йўлга қўйилди.

Инфратузилма билан боғлиқ муаммолар босқич-

Шунчаки уларга озрок эътибор берилса, турмуш шароити янада яхшиланиб, даромади ошади.

ма-босқич ҳал бўляпти. Мисол учун, канализация тармоғини янгилася 35-40 йиллик масала эди. 2024 йилда маҳаллий бюджет маблағи ва ҳомийлар иштирокида камчилик бартараф этилди.

Тизимдаги ислохотлар натижасида яна бир оғриқли муаммога ечим топилди. Авваллари “Бир болага етти маҳалла — ота-она”, деган гапни кўп эшитардик. Ўша вақтларда чиндан маҳаллада яшовчи инсонлар, айниқса, кекса отахон-онахонлар ҳар бир хонадондаги шароитни билиб, фарзандларнинг одоб-ахлоқи, юриш-туришидан бохабар бўлар, нозуя қадам ташласа, дарров ота-онасини огоҳлантирарди. Афсуски, кейинги йилларда бу қадриятимиз бировз унутилди. Жараёнда маҳалланинг ўрни, аҳамияти пасайгандек эди.

Ўтган йили 5 февралда Президент Шавкат Мирзиёев раислигида ўтказилган ижтимоий соҳалардаги устувор вазифалар муҳокамаси юзасидан видеоселектор ййғилишида бу масалага эътибор қаратилди. Таълим муассаса-

сидаги инспектор-психолог штати Миллий гвардия тизими-га ўтказилди. Хусусан, ота-оналар ва маҳалла фаоллари иштирокидаги “Мактаб — ота-она — маҳалла” ҳамкорлиги ташкил этилди. Шу асосида маҳалламизда чора-тадбирлар белгиладик. Бугун мактаб ўқувчиларининг давомати, дарсга муносабати ўзгарди. Ота-оналарда дахлдорлик ҳисси пайдо бўлди.

Юқорида “Маҳалла бюджеги” тизими йўлга қўйилгани ҳақида бежиз тўхталмадим. Сабаби, 2024 йилда ҳисобимизга мол-мулк ва ер солиғи бўйича ундирилган маблағнинг 10 фоизидан 76 миллион сўм келиб тушди. Бу маблағнинг 25 миллион сўмига маҳалла биноси учун қуёш панели ўрнатдик. Қолган қисмини эҳтиёмжанд ва кам таъминланганларни қўллаб-қувватлашга сарфлаш ниятидамиз.

Яна бир жиҳат — “маҳаллабай”, “хонадонбай”, “оилабай” ишлаш тизими кенг жорий этилиб, “Обод ва хавфсиз маҳалла” тамойили амалиётга таъбиқ этилганидан кейин жиноятчилик, камбағаллик ва оилавий ажралишлардан холи худудга айландик. 2022 йилдан буён худудда бирорта жиноят содир бўлмади. Оилавий ажралиш кузатилмади.

Бир сўз билан айтганда, “еттилик” тизими йўлга қўйилгач, барча масалалар тизимли ҳал этиляпти. “Йўл ҳарита”лари, маҳаллалар “Омбор дафтари” ишлаб чиқилиши ишимизни янада осонлаштирди.

ЭЪТИРОФ

ЭЪТИБОР

Миллий қўшиқчилик санъати йўлидаги фидокорона ижоднинг юксак эътирофи

(Давоми.
Бошланиши 1-саҳифада).



Пойтахтимиздаги “Халқлар дўстлиги” санъат саройида хонанда, Ўзбекистон ва Қорақалпоғистон халқ артисти Ғулмўжон Ёқубов тавааллуд санаси муносабати билан катта концерт дастури бўлиб ўтди. Муסיкий оқшомга миллий қўшиқчилик санъатимиз мухлислари, мўътабар онахон ва отахонлар, муסיқасевар ёшлар таклиф этилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг “Ўзбекистон халқ артисти Ғулмўжон Ёқубовни мукофотлаш тўғрисида”ги фармони билан Ўзбекистон Республикаси Президенти маслаҳатчиси Хайриддин Султонов ўқиб эшиттирди. Унга кўра, Ғулмўжон Ёқубов миллий қўшиқчилик санъатимизни ривожлантириш борасидаги хизматлари, ижтимоий ҳаётдаги фаол иштироки учун “Буюк хизматлари учун” ордени билан тақдирланди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Раиси Танзила Норбоева мукофотни санъаткорга топширди.

этишда устоз санъаткорнинг ҳам фаол хиссаси бор.

— Ғулмўжон Ёқубов мумтоз мақом йўналишида ҳам маҳорат билан қўйлайди, — деди Ўзбекистон Каҳрамони Муножот Йўлчиева. — Ортидан қўллаб ёшларни эргаштира олган устоз санъаткорга ижод завоқи доим ёр бўлишини тилаймиз.

— Ғулмўжон Ёқубов қайси даврга кирса, ўша даврга албатта фойз қиради, — деди Ўзбекистон халқ артисти Фаррух Зокиров. — Унинг одоби, муомала маданияти, саҳна маданияти, томошабинларга ҳурмати ёшларга намунадир. Президентимизнинг санъат ривожига кўрсатаётган чексиз эътибори Ғулмўжон Ёқубов меҳнатларининг шундай юксак эътирофида ҳам намён бўлди.

Маълумотларга кўра, Ғулмўжон Ёқубов Тошкент театр ва рассомлик санъати институтини 1973 йилда тугатган. Жиззах муסיқали драма театрида (1973–1974), Ўзбек давлат филармониясида (1967–1968 ва 1974-йилдан) якахон хонанда сифатида фаолият кўрсатган.

Унинг репертуари муҳаббат, гўзаллик, Ватан мавзуйидаги



Ғулмўжон Ёқубов 60 йилдан буён санъат йўлида хизмат қилиб келмоқда. У 45 йилдан ортқ Ўзбекистон филармониясида меҳнат қилиб, халқимиз учун манзур бўладиган қўшиқлар яратди. Унинг қўшиқлари мамлакатимиз худудидан олисларда ҳам бугун жаранг сочмоқда. Ғулмўжон Ёқубовнинг қатъий тартиб-интизоми, санъаткор одобиға риюя этиши, энг чекка худудларда ҳам халқимизга сидқиқидилдан хизмат қилиши диққатга сазовор.

Дарҳақиқат, миллий қўшиқчилигимиз ривожий йўлида фидокорона меҳнат қилган санъаткорлар фаол қўллаб-қувватланмоқда. Уларнинг бой ижодий тажрибаси санъат йўналишидаги олий ўқув юртлари, болалар муסיқа мактабларида оммалаштирилмоқда.

Муסיқа оқшомида сўзга чиққан Ўзбекистон Каҳрамони, Ўзбекистон ва Қорақалпоғистон халқ артисти Муножот Йўлчиева, Ўзбекистон халқ шоири Маҳмуд Тоир, Ўзбекистон халқ артисти Фаррух Зокиров Ғулмўжон Ёқубовнинг ўзига хос ижод йўли ҳақида атрофлича фикр билдирдилар. У ҳар йили таваллуд айёми арафасида мухлисларига катта концерт дастурини тақдим этиши, ижодда бетакрор мактаб яратгани, ўз ортидан қўллаб шоғирдларни эргаштириб келаётгани эътиборга молик.

Ғулмўжон Ёқубов узоқ йиллардан буён миллий қўшиқчилик ривожий йўлида самарали ижод қилиб келмоқда. Ўзбек санъатини юртимиз ва хорижда тарғиб

қўшиқ ва ашулалардан иборат. Унинг атоқли созанда ва бастакор, Ўзбекистон халқ артисти Абдуҳошим Исмоилов билан ҳамкорликда яратган қўшиқлари халқимиз томонидан илиқ қутиб олинган. Устоз санъаткор репертуаридан озарбайжон, эрон, турк, хинд, уйғур ва бошқа халқларнинг қўшиқлари ҳам ўрин олган.

Ғулмўжон Ёқубов миллий мумтоз ва эстрада йўналишидаги қўшиқларни ҳам маромига етказиб ижро этади. Устоз санъаткор 1985 йилда “Мелодия” ижодий фирмасининг “Олтин диск” мукофоти билан тақдирланган. Истиклол йилларида моҳир санъаткор “Дўстлик”, “Эл-юрт ҳурмати” орденлари билан тақдирланган.

Муסיкий оқшомда мамлакатимиздаги етакчи бадий жамоалар, таниқли хонандалар, ёш ижрочилар атоқли хонанда ижоди хусусида атрофлича фикр билдирди.

— Менинг санъат йўлидаги меҳнатларим шундай эъзозланганидан жуда мамнунман, — деди Ўзбекистон ва Қорақалпоғистон халқ артисти Ғулмўжон Ёқубов. — Санъатсевар халқимизга бетакрор қўшиқлар тақдим этиши йўлида бундан буён ҳам ўз куч-ғайратимни аямайман.

Тантанали муסיқий кечада Ватанни, мамлакатимизда кечаётган янгиланиш жараёнлар, меҳр ва садоқат, инсонийлик, гўзаллиқни тараннум этувчи куй-қўшиқлар ижро этилди.

Назозат Усмонова,
Носиржон Ҳайдаров (сурат),
Ўза мухбирлари

ФУҚАРОЛАР ЙЙҒИНИДА ҚАНДАЙ МАСАЛА КЎРИЛАДИ?

Салима БАҲОДИРОВА.
Термиз шаҳри:

— Маҳалла раиси сайловида фуқаролар вакиллари ййғилиши қандай тартибда ўтказилади? Унда қайси масалалар кўрилади?



Баҳром КУШБАКОВ,
Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси масъул ходими:

— “Фуқаролар ййғини раиси сайлови тўғрисида”ги қонунда фуқаролар вакиллари ййғилишини ўтказиш тартиби белгиланган. Унга кўра, ййғилиш ишчи гуруҳ раҳбари раислигида ўтказилади.

Кун тартибига, қонда тариқасида, қуйидаги масалалар киритилади:

- ☑ **санок комиссиясини сайлаш;**
- ☑ **фуқаролар ййғини раисини сайлаш.**

МЕНДА САВОЛ БОР...



Давлатимиз раҳбари
ХАЛҚАРО
ДЗЮДО
ФЕДЕРАЦИЯСИ раҳбари
Мариус Визерни
қабул қилди.



Фуқароларнинг
виждон эркинлигини
таъминлаш ва
диний соҳадаги
ДАВЛАТ СИЁСАТИ
КОНЦЕПЦИЯСИ
тасдиқланди.



Президент
қарорига кўра,
ҲАРБИЙ
ХИЗМАТЧИЛАРНИ
ижтимоий ҳимоя қилиш
куचाптирилади.

БИЛИБ ОЛИНГ!

ҚАРОВСИЗ ТОМОРҚА УЧУН СОЛИҚ УЧ ҚАРРА ЮҚОРИ ТЎЛАНАДИМИ?

Камбағаллик ва ишсизликни қисқартириш, аҳоли даромадини оширишда томорқа энг фойдали манба ҳисобланади. Шу боис мамлакатда ундан унумли фойдаланиш учун барча имконият яратилган. Жумладан, бу борада “Сайхунобод тажрибаси” жорий этилгани яхши самара берапти.



Нажмиддин
СУЛАЙМОНОВ,
Камбағалликни
қисқартириш ва
бандлик
вазирлиги
бошқарма
бошлиғи.

Лекин, айрим хонадон эгалари шунча имконият яратилган бўлса-да, бепарволик қилаётгани, бокиманда кайфиятда яшаётгани кузатиляпти. Шу сабабли муаммони бартараф этиш мақсадида аниқ мезон белгиланди.

“**Томорқа ер эгалари ва деҳқон хўжаликлари фаолиятида замонавий ташкилий тизимни жорий қилиш ва молиявий кўллаб-қувватлашнинг кўшимча чора-тадбирлари тўғрисида**”ги Президент фармониغا кўра, аҳоли томорқаси ва деҳқон хўжаликларига ижарага берилган ер майдонларидан самарали фойдаланиш ҳолати ҳоким ёрдамчиси томонидан ўрганиб борилади. Худуднинг иқлим шароитини инобатга олган ҳолда ҳар чорада ўтказиладиган мониторинг натижасида экин тўлиқ экилмаган ёки қаровсиз қолдирилгани аниқланса, “маҳалла еттилиги” ҳулосасига асосан, тажриба тариқасида томорқа ер эгалари ва деҳқон хўжаликларига давлат дастурлари доирасида имтиёзли кредит берилмайди.



Бундан ташқари, “Ижтимоий ҳимоя ягона реестр”ига киритилган фуқаролар учун назарда тутилган имтиёзлар тўхтатилади. “Онлайн маҳалла” электрон платформаси маълумоти асосида экин экилмагани аниқланган йил учун ер солиғи ставкаси уч қарра миқдориди ҳисобланади. Маълумотлар “Онлайн маҳалла” электрон платформасига киришиб борилади.


Агар муаммо бартараф этилиб, томорқа ва ижарага берилган ердан самарали фойдаланиш йўлга қўйилса, “маҳалла еттилиги” кафилиги билан барча имтиёз ва амалдаги солиқ ставкалари тиклаб берилади.

Аҳоли томорқасида юқори даромад олишни рағбатлантириш мақсадида 2026 йилдан тажриба тариқасида Наманган вилоятида деҳқон хўжаликлари ва томорқа ерларида етиштирилган маҳсулотлардан олинган даромад миқдори 1 сотих учун базавий ҳисоблаш миқдорининг 25 бараваридан (9 миллион 375 минг сўм) юқори бўлганида фуқаролар ва деҳқон хўжаликларининг экин билан банд бўлган ер участкалари учун тўланган ер солиғининг 90 фоизи тегишли йил якуни билан қайтариб берилади.

Мазкур тартиб ер участкаларидан ҳужжатларсиз ёхуд кўрсатилганидан каттароқ ҳажмда фойдаланилган ер участкаларига нисбатан татбиқ этилмайди.

ТАКЛИФ

ҚУВОНТИРАДИГАН НАТИЖАЛАР КЎП, АММО ЕЧИЛМАГАН МУАММОЛАР ҲАМ



Санжар ИБРОҲИМОВ,
Қитоб туманидаги
“Бирлик” маҳалласи
ҳоким ёрдамчиси.

Туман марказидан 4 км. узоқликда жойлашган маҳаллада 3 855 нафар фуқаро истиқомат қилади. “Драйвер” — деҳқончилик. Жами 42 та тадбиркорлик субъекти мавжуд. Бу лавозимда иш бошлаганимга 3 йил тўлди. Гоҳида ортга назар солиб, фаолиятимни таҳлил қиламан. Рақамлар ёмон эмас. Аммо ҳаққоний баҳони халқ беради. Шу маънода дастлабки йил билан бүгунги кунни солиштирсам, аҳолининг яшаш тарзи ўзгариб, даромади ошганини кўриш мумкин. Айнакчи, тадбиркорлар сафи ортди.

Хўш, бунга қандай эришдик?

Дастлаб хатлов ўтказиб, камбағал оила ва тадбиркорликка қизиққан фуқаролар рўйхатини шакллантирдик. Худудда ишсизлар 56 нафарни ташкил этади. Таҳлиллардан билдимки, биринчи галда шу муаммони ҳал этиш лозим. Чунки камбағаллик, оилавий ажралишлар, низо ва келишмовчиликлар ишсизликдан келиб чиқади. Биринчи навбатда, фуқароларнинг қизиқиши асосида кредит ва субсидия ажратиш учун тавсиянома бердик. 14 нафари оилавий тадбиркорликни бошлади.

Тўрт нафари ўзини ўзи банд қилди. Икки нафарига ер тақсимладик. Жами 50 нафар ишсизнинг бандлиги таъминланди. Сабзавотчилик йўналишида 64 та камбағал оилага ер бериб, деҳқон хўжалиги ташкил этилди.

Камбағалликни қисқартириш — ҳоким ёрдамчисининг асосий вазифаси. Шу боис чора-тадбирлар ишлаб чиқишдан аввал, сабабини изладим. Ахир касални даволашда тўғри ташхис муҳим. Камбағалликни келтириб чиқарувчи асосий омил — доимий, расмий иш ўринларининг камлиги экани аён бўлди. Чунки туман тоғли худуд бўлгани учун йирик завод-фабрика йўқ ҳисоби. Шунинг учун оилавий тадбиркорликни ривожлантиришга урғу бердик. Ўсиш нуқтамиз — деҳқончиликни кўллаб-қувватладик. Кўшимча сифатида чорвачилик ва иссиқхоначилик бўйича молиявий ёрдам кўрсатдик.

Миграция ҳолатини ўрганиш учун ўтказилган хатловда 155 нафар фуқаро хорижда меҳнат фаолияти билан бандлиги аниқланди. Уларни ортга қайтариш бўйича режа ишлаб чиқдик. Бугунгача 57 нафари ватанга қайтди. 8 нафари оилавий тадбиркорликни йўлга қўйди. Бир неча фуқарога чорвачилик билан шугулланиши учун кредит ажратилган бўлса, қолганлар қизиқи-

ши асосида касб-ҳунар марказига йўналтирилди. Худудда 4 та йирик қайта ишлаш корхонаси бўлиб, фаолияти тўхтаб қолганди. Мутасадди давлат органлари ва ташкилотлар кўмагида уларнинг фаолиятини қайта тиклаш чораси кўрилди. Яқин кунларда 2 таси ишга тушади. Бу билан 60 нафар фуқаро доимий банд бўлади. Шунингдек, 2024 йилда фаолият бошлаган 32 та микролойиҳада 5 тадан янги иш ўрни яратилди.

Юқорида таъкидлаганимдек, “драйвер”имиз — деҳқончилик. Лекин бунинг учун бирламчи манба — оқова сув етишмасди. Дарёдан келадиган сув йўли — каналлар яроқсиз аҳволда эди. Таъмирлаш бўйича туман ҳокимлигига киритган тақлифимиз ижобий ечим топди.

Албатта, бу натижалар кишини қувонтиради. Лекин ҳали қиладиган иш кўп. Шу боис соҳа ривожига доир тақлифларимни билдириб ўтмоқчиман.

Кредитларни нақд шаклда ва фоизсиз бериш керак. Чунки камбағал оила олган маблағининг ҳам фоизини тўлашга, ҳам даромадини оширишга қийналяпти.

Худуддаги бўш турган ер майдонлари захирага ўтказилиб, аҳолига берилса, 20 та деҳқон хўжалиги ташкил этиш имконига эга бўламиз. Шунингдек, 130 та хўжаликни ичимлик сув тармоғига улаш лозим.

МАҲАЛЛАДА
НИМА ГАП?

ОҚОВА СУВ ТАНҚИСЛИГИ БАРҲАМ ТОПДИ

Мирзаҷўл туманидаги “Ипак йўли” маҳалласида янги лойиҳага қўл урилди. Туман ҳокимлиги, Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси туман бўлими ташаббуси билан худуддаги 1 гектар ташландиқ ер майдонида “Бир контур — бир маҳсулот” тамойили асосида лимончиликка мўлжалланган иссиқхона қуриш ишлари бошланди.



— Лойиҳа доирасида Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси томонидан 200 туп лимон кўчати етказиб берилди, — дейди маҳалла раиси Мухиддин Пиримқулов. — Ҳар бир иссиқхонага ҳомийлик асосида 70 минг сўмдан, жами 14 миллион сўмлик кўчат тақдим этилди.

Режага кўра, 25 та 4 сотихлик иссиқхона имтиёзли кредит эвазига эҳтиёжманд оилаларга бўлиб берилди. Бугунгача 15 таси битказилган бўлса, 7 тасида жараён тўлиқ якунланди. Эътиборлиси, ушбу хайрли ташаббус натижасида 100 та янги иш ўрни яратилди. Бу худуддаги ишсиз фуқароларнинг бандлигини таъминлаш, даромадини оширишга ёрдам беради. Бундан ташқари, кичик бозорча барпо этилиши ортдан яна 5 нафар ишсизнинг бандлиги таъминланди.

Қувонарлиси, ташаббус ортдан узоқ йиллик муаммо — оқова сув танқислиги бартараф этилди. Маҳаллий бюджет ҳисобидан 3 миллиард 300 миллион сўм маблағ ажратилиб, 3,9 км. масофадаги ички лоток таъмирланди, 2,9 км. узунликда тармоқ тортиш ишлари бажарилди.

МЕНДА САВОЛ БОР...

“Хонадонимга қуёш панели ўрнатсам, имтиёз борми?”



Рустамжон
АБДУЛЛАЕВ.
Мингбулоқ
тумани:

— Хонадонимга қуёш панели ўрнатмоқчи эдим. Шу жараён ҳақида батафсил маълумот берсангиз. Ҳукумат томонидан қандай имтиёз тақдим этилган?

Ҳасан ТОШХЎҲАЕВ,
Энергетика вазирлиги
матбуот хизмати
раҳбари:

— “Аҳолининг маҳаллий ишлаб чиқарувчилар томонидан ишлаб чиқарилган қайта тикланувчи энергия манбаларининг қурилмаларини харид қилиш харажатларининг бир қисmini компенсация қилиш ёки бўлиб-бўлиб тўлаган ҳолда сотиб олиш тартиби тўғрисидаги низоми тасдиқлаш ҳақида”ги Вазирлар Маҳкамаси қарорига кўра, Энер-

гетика вазирлиги ҳузуридаги Тармоқлараро энергияни тежаш жамғармаси томонидан energymarket.uz онлайн платформаси ишга туширилган. Ушбу платформа орқали қайта тикланувчи энергия манбалари (КТЕМ) қурилмаларини ўрнатган аҳоли учун икки турдаги имтиёз тақдим этилади.

Компенсация тизими: агар жисмоний шахс қуёш панелини қўйиб сотиб олиб, ўрнатса, харажатларнинг бир қисми Жамғарма ҳисобидан қоплаб берилади. Бу базавий

ҳисоблаш миқдорининг 20 бараварига, қуёш сув иситкичлари бўйича БҲМнинг 7 бараваригачани ташкил этади.

Бўлиб-бўлиб тўлаш тизими: жисмоний шахслар КТЕМ қурилмаларини Жамғарма маблағлари ҳисобидан 3 йил давомида фоизсиз бўлиб-бўлиб, тўлаш шарти билан харид қилиши мумкин.

2023 йил 1 апрелдан “Қуёшли хонадон” дастури доирасида қурилма ўрнатган жисмоний шахсларга эҳтиёждан ортигининг ҳар бир кВт-соа-

ти учун 1 000 сўмдан субсидия ажратилади. Шунингдек, “2023 йилда қайта тикланувчи энергия манбаларини ва энергия тежовчи технологияларни жорий этишни жадаллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Президент қарорига мувофиқ, умумий қуввати 100 кВт.гача бўлган қайта тикланувчи энергия манбалари қурилмаларини ўрнатган ва улардан фойдаланувчилар уч йил муддатга жисмоний шахслар мол-мулк ҳамда ер солиғидан озод этилган.



ҲУКУМАТ
ҚАРОРИга асосан,
айрим асбоб-
ускуналарни суғурталаш
харажатларининг
бир қисми
қоплаб берилади.



Давлат
харидларини
КОРПОРАТИВ
БАНК КАРТАЛАРИ орқали
амалга ошириш
тартиби белгиланди.



Ҳукумат қарори билан
“Қадоқлар ва
қадоқларни ёпиш
воситалари хавфсизлиги
тўғрисида”ги ТЕХНИК
РЕГЛАМЕНТ тасдиқланди.

4

№16 | 2025 йил 1 март, шанба

МАНЗАРА

МАҲАЛЛАДА
НИМА ГАП?

Иш билганлар имкониятдан унумли фойдаланяпти

МАҲАЛЛАМИЗ-
ДА 764 НАФАР
ЁШ ИСТИҚО-
МАТ ҚИЛАДИ.
БУГУНГИ КУНДА
УЛАРНИНГ
АКСАРИЯТИ
КРЕДИТ ОЛИБ,
ТАДБИРКОРЛИК
ФАОЛИЯТИНИ
БОШЛАШНИ
АФЗАЛ КЎР-
МОҚДА. ШУ
БИЛАН БИРГА,
ДЕХҚОНЧИЛИК,
ПАРРАНДАЧИ-
ЛИК ВА ЧОРВА-
ЧИЛИК КАБИ
СОҲАЛАРДА ЎЗ
ИМКОНИАТИНИ
НАМОЙИШ ЭТА-
ЁТГАН ЁШЛАР
БОР.



20 нафар ёшга ер
ажратдик, ҳозирда
улар деҳқончилик ва
чорвачилик билан
шуғулланыпти.

Акмал ОСТАНАҚУЛОВ,
Денов туманидаги
“Боғи шамол”
махалласи
ёшлар етакчиси.

Етакчи сифа-
тида уларни
қўллаб-қув-
ватлаш ва
иқтисодий
фаоллигини оширишга
доимо ҳаракат қила-
ман.

Тадбиркорлик
йўналишида ўзини си-
наб кўрган ана шундай
тиришқоқ ёшлардан
бири Шухрат Йўлдо-
шев автомобиль ювиш
шоҳобчасини очишни
мақсад қилган. Ушбу
ташаббусни қонуний
рўйхатдан ўтказиш ва
имтиёзли кредит олиш
учун зарур жараён-
лар ҳозирда амалга
оширилмоқда. Режага
кўра, 100 миллион
сўм миқдорида кредит



Кўпчилик ёшлар
корейс тилини
ўрганишга
қизиқади.

олиш мўлжалланган.
Шунингдек, имтиёзли
кредит асосида икки
нафар қиз тикувчилик-
ни бошлашни кўзлаб
турибди. Уларнинг
лойиҳаларини қўл-
лаб-қувватлаш учун
барча имкониятларни
ишга соляпмиз.

Маҳалламиз
шаҳарга яқин ҳудудда
жойлашгани боис аук-
ционда ер тақсмоти
чекланган, шунинг учун
ёшлар кўпроқ тад-
биркорликка эътибор
беришмоқда. Шундай
бўлса-да, 20 нафар
ёшга ер ажратдик,
ҳозирда улар деҳқон-
чилик ва чорвачилик
билан шуғулланыпти.
Март ойи давомида
улар пилёз экишга
киришади, уни йиғиб
олгач, иккинчи-учин-
чи экинларни ерга
қадашади. Шунингдек,
маккажўхори энг
сердаромад маҳсулот-
лардан бири сифатида
экилади. Мисол учун,
Сардор Тожибобоев
10 сотих ерга мак-
кажўхори экиб, бир

мавсумда 30 миллион
сўм фойда қилди.
Бундай муваффақият
ёшларни илҳомлантир-
моқда ва бу фаолиятни
кенгайтиришга туртки
бўляпти.

Кўпчилик ёшлар
корейс тилини ўрга-
нишга қизиқади. Шу
боис янги ташаббус
сифатида маҳалла-
да корейс тили ўқув
марказини очишни
режалаштирдик. Бу
марказ ёшларни Корея
Республикасига ишга
юбориш имкониятла-
рини оширади. Ҳо-
зирда 3 нафар йигит
бу мамлакатга кетиш
учун муваффақиятли
имтиҳон топширди ва
яна 9 нафар ёшнинг
ишчи визаси ҳал бўли-
шини кутяпмиз. Агар
ушбу ўқув марказига
тажрибали ўқитув-
чиларни жалб қилиб,
тил маркази очишни
уддаласак, ёшлар
кунига 15–20 минг сўм
харажат қилиб, шаҳар
марказига қатнамасди,
ўз ҳудудларида таълим
оларди.



“МАҲАЛЛА СЕРВИС КОМПАНИЯСИ”: ХИЗМАТЛАР СОНИ 28 ТАГА ЕТДИ



Ўтган йили синов тариқасида Навоий
вилоятининг 11 та маҳалласида
“Маҳалла сервис компанияси” ташкил
этилди. Уларга Ўзбекистон маҳаллалари
уюшмаси 72 миллион сўмлик 11 турдаги
жиҳозларни топширди.

Кизилтепа туманидаги
“Сўфиён” маҳалла-
сида ташкил этилган
компания бугун ҳудудда
ободонлаштириш ва кўка-
ламзорлаштириш ишларини
бажариб, ариқлар ҳамда
суғориш тизимларини тоза-
лаш билан шуғулланмоқда.
“Маҳалла сервис компания-
си”га йиғин биносининг
ёнидан жой ажратилиб, иш
фаолиятини ташкил эти-
ши учун янги бино қуриб
берилди.

— Компания дастлаб
23 турдаги хизматларни
кўрсатиш билан иш бошла-
ган бўлса, айни пайтда хиз-
матлар сони 28 тага етди,
— дейди маҳалла раиси
Ўткир Элмуродов. — Бугун-

гача 165 миллион сўмлик
хизматлар бажарилди ва бу
босқичма-босқич кенгайти-
риляпти. Айтиш керакки,
аҳолининг, асосан, ер ҳай-
даш, пайвандлаш ва техника
ишларига эҳтиёжи кўп. Шу
боис маҳаллада диспетчер
хизмати йўлга қўйилган.
Унинг ёрдамида аҳолидан
тушаётган таклифлар
олинади ва шунга қараб
10 нафар ишчи бориб, хизмат
кўрсатади.

2025 йилда вилоятда яна
54 та маҳаллада ана шун-
дай сервис компаниялари
ташкил этилади ва уларнинг
сони 65 тага етказилади.
Ҳозирда бу борада маҳал-
лаларни аниқлаш, жой ажра-
тиш, керакли тадбирларни
амалга ошириш ишлари ба-
жариляпти.

ЖАРАЁН

Ёшлар тадбиркорлигида мутлақо янги давр

Ёшлар — халқимизнинг олтин фойди! Ўзбекистон аҳолисининг 60 фоизини ёшлар ташкил этади. Ҳар йили меҳнат бозорига 600 мингдан ортиқ йигит-қиз кириб келмоқда. 2030 йилга бориб, бу кўрсаткич 1 миллион нафарга етади. Ёшларнинг бандлигини таъминлаш, интилишларига шароит яратиш давлатимизнинг устувор сиёсатига айланди.

Шаҳноза ХАЛИЛОВА.

Ўтган саккиз йил-
да ёш тадбиркор-
лар сони уч қарра
кўпайиб, улар бу-
гун бизнес вакилларининг
салкам 40 фоизини ташкил
этмоқда. Ишсиз ёшлар икки
қарра камайди. Ишсизлик-
дан холи маҳаллалар сони
1 889 тага етди. “Ёшлар
дафтери” орқали ўтган
йили 180 минг нафар ёшга
345 миллиард сўмлик ёр-
дам кўрсатилди. Бу борада-
ги ишлар жорий йилда ҳам
давом этади — Президент
Шавкат Мирзиёев ёшлар тад-
биркорлигида мутлақо янги
даврни бошлаб берадиган
учта муҳим ҳужжатга имзо
чекди.

Биринчи ҳужжат — “Ёшлар
тадбиркорлигини ҳамда улар-
нинг бандлигини таъминлаш-
га қаратилган бизнес лой-
иҳаларни қўллаб-қувватлаш
tizimini такомиллаштириш
чора-тадбирлари тўғрисида”-
ги Президент қарорига муво-
фиқ, Ёшлар тадбиркорлигини
ривожлантириш жамғармаси
ташкил этилди. Унга 100 мил-

лион доллар маблағ ажратил-
ди. Жамғарма ҳисобидан тад-
биркор ёшларга 2,5 миллиард
сўмгача имтиёзли кредитлар
берилади, ташаббускор йи-
гит-қизларнинг стартап лойи-
ҳаларига 2 миллиард сўмгача
инвестиция киритилади.

Иккинчи ҳужжат — “Олий
таълим ташкилотлари бити-
рувчиларининг ишга жойла-
шишга кўмаклашиш бўйича
қўшимча чора-тадбирлар
тўғрисида”ги Президент қар-
орига асосан, битирувчилар
бандлигини таъминлаш бўй-
ича янги тизим йўлга қўйи-
лади. Бунинг учун Миллий
банкка 100 миллион доллар
ресурс берилади. Банк би-
тирувчиларнинг ташаббус ва
ғояларини лойиҳага айланти-
риш бўйича янги банк хизмат-
ларини жорий этади.

Учинчи ҳужжат — “Ёшлар
тадбиркорлигини ривожлан-
тириш ва бандлигини таъ-
минлашга доир қўшимча чо-
ра-тадбирлар тўғрисида”ги
Президент қарорига кўра,
2025–2027 йилларда “Ёшлар
бизнеси” дастури амалга оши-
рилади. “Алоқабанк” ёшлар-
нинг бизнес лойиҳаларини
қўллаб-қувватловчи таянч
банкка айлантирилиб, унга



Жамғарма
ҳисобидан тад-
биркор ёшларга
2,5 миллиард
сўмгача имти-
ёзли кредитлар
берилади

200 миллион доллар бери-
лади. Ўзини ўзи банд қил-
ган ёшларнинг лойиҳалари
учун 100 миллион сўмгача
7 йил муддатга имтиёзли мик-
роқарз ажратилади.

Маълумки, бу йил аҳоли
5 миллион 200 минг ақолини
банд қилиш мўлжалланган. Бу
жараёнда ёшларнинг катта
ўрни бор. Масалан, ўтган йили
56 минг гектар ер ёшларга
ажратилди. Бу ўз самараси-

ни бериб, ҳозирда 153 минг
нафар ёш деҳқончилик билан
шуғулланыпти. Бу йил Қорақал-
поғистонда, Андижон, Жиззах,

Фарғона ва Тошкент вилоят-
ларида бўш турган 3 минг 300
гектар ер янгича тартибда
ижарага берилади. Энди илг-
ари ажратилган ерга маҳсулот
экиб, камида 100 миллион
сўм даромад олган ёшларга
ҳам ушбу тартиб асосида бу
ерлардан берилади.

2025 йилда Ўзбекистонда
ёшлар ишсизлигига барҳам
бериш масаласи янги босқич-
га кўтарилади. Ёшларни касб
ва тилга ўқитиб, юқори даро-
мадли ишларга жойлаштириш
мақсадида бу йил бандлик
бўйича катта дастур қабул
қилинди. Бунинг учун жами
126 триллион сўм йўналтири-
лади. Унга кўра, маҳаллалар-
да 378 мингга микролойиҳа
амалга оширилади, маҳалла
банкirlари янги кредит маҳ-
сулотлари ҳисобига 250 минг
нафар одамни даромадли қи-
лади.

Умуман олганда, маҳалла
ёшларининг ўз имкониятла-
рини тўла намоён этиши, тад-
биркорлик фаолиятини йўлга
қўйиши, билим олиши учун
барча шароитлар яратилади.
Бу орқали уларнинг бандлиги
таъминланади, куч ва салохи-
яти мамлакат тараққиёти учун
сафарбар этилади.



ИССИҚХОНА
ДЕВОРИ
НОҚОНУНИЙ... (МИ?)

Лола
БАХРОМОВА.
Пайариқ тумани:

— Ўзим уй бекаси-
ман. Икки йил ав-
вал қўшимча даро-
мад топиш мақса-
дида ҳовлимизнинг
этагидаги боғда
иссиқхона қуриб,
лимон кўчатлари-
ни эдик. Аммо кў-
ни-қўшилларнинг
чорва моллари ис-
сиқхонани пайҳон
қилганди. Бунинг
олдини олиш учун
боғ атрофини
девор билан ўраб
олдик. Яқинда ка-
дастр вакиллари
келиб, бу қурилиш
ноқонуний экани,
уни 15 кунлик муд-
датда бузишимиз
кераклигини ай-
ттиди. Айни вази-
ятда уларнинг ҳа-
ракати тўғрими?

Фозилбек
ХУДОЙҚУЛОВ,
Кадастр агентлиги
Самарқанд вилояти
бошқармаси бошлиғи:

— Фуқаролик кодек-
сининг 212-моддасига
биноан, қонунчиликда
белгиланган тартибда
қурилиш мақсадлари
учун ажратилмаган ер
участкаларида, шунинг-
дек, иморат қуриш учун
зарур рухсатнома ол-
масдан ёки архитектура
ва қурилиш нормалари
ҳамда қоидаларини
жиддий бузган ҳолда
қурилган уй-жой, қў-
шимча бино ва иншо-
отлар ўзбошимчалик
билан қурилган иморат
ҳисобланади.

Демак, юқоридаги
меъёрга кўра, сиз ҳам
қурилиш қилиб, девор
урган бўлсангиз, бу
девор ўзбошимчалик
билан қурилган, деб
топилади.



Таълим ўзбек тилида олиб борилмаётган мактаб битирувчилари ҳам энди ДАВЛАТ ТИЛИДАН ИМТИХОН топширади.



Марказий банк инфляция қийматини ҳисоблаш имконини берувчи “ИНФЛЯЦИЯ КАЛЬКУЛЯТОРИ”ни ишга туширди.



Ўзбекистонда айрим нотариал хизматлар учун КОМИССИЯ МИҚДОРИ оширилди.

ОБОД МАНЗИЛЛАР

Йиғинлар ишсизликдан холи ҳудуд бўляпти

Қўшқўпир тумани республикамизнинг чекка, чегара ҳудуди бўлса-да, барча маҳаллаларда аҳоли бандлигини таъминлаш, тадбиркорлик субъектлари ташкил қилиш, янги тармоқлар фаолиятини йўлга қўйишда кўплаб ижобий натижаларга эришиляпти.

Латофат ЮСУПОВА, Ўзбекистон маҳаллалари уюشمаси Хоразм вилояти бошқармаси матбуот котиби.

“Довуд” маҳалласи — деҳқончилик ва чорвачиликка иختисослашган бўлиб, 17 гектардан ортиқ майдонда лимончилик фаолияти йўлга қўйилган. Худудга кираверишнингиз билан иссиқхоналар тармоғи ташкил қилинганига гувоҳ бўласиз. Уларда тадбиркор ва ишбилармонлар лимончиликдан юқори ҳосил олиб, даромадини ошириш билан бирга, маҳалла фуқароларининг бандлигини таъминляпти. Шулардан бири — Ёқуббой акага қарашли иссиқхо-

надир. Бу ерда лимон қатор ораларига булғор қалампери экиляпти. Тадбиркор мазкур иссиқхонада лимончиликдан ташқари, турли сабзавотлар, гул кўчатлари етиштириб, яхши даромадга эришляпти. “Кўназей” маҳалласи ҳам ислохотлар манзилига айланган. Мазкур йиғинда иш билан банд бўлмаган фуқаро деярли қолмади. Сабаби, маҳалланинг иختисослашуви бўйича тизимли иш ташкил қилинган. — Йиғиндаги 787 хонадоннинг 90 фоизи чорвачилик билан шуғуллянади, — дейди “Кўназей” маҳалласи раиси Низомиддин Отаниёзов. — Уларнинг 50 фоизи давлатимиз ажратган кредитлар эвазига



иш бошлаган. Аҳоли шу орқали қўшимча даромадга эга бўлиб, яшаш шароитини яхшиляляпти.

Ушбу маҳаллада ажратилган имтиёзли кредитлар натижасида чорвачилик тармоғида ўз бандлигини таъминлаб, шахсий даромадига эга бўлаган фуқаролар кўп. Бунга Равшан Йўлдошев хонадонида бўлиб, амин бўлдик. Маҳалла

аҳли чорвачиликдан ташқари, деҳқончилик, паррандачилик ва хизмат кўрсатиш йўналишларида ўз ишига эга.

“Янгилик” маҳалласи хизмат кўрсатиш ва ишлаб чиқариш йўналишига иختисослашган. Яқинда бу ерда катта мебелчилик корхонаси иш бошлади. Натижада ўндан зиёд маҳалла аҳолиси бандли-

ги таъминланди.

“Ёвғир” маҳалласида паррандачилик фирмаси ташкил қилинганига 5 йилдан ошди. Бу вақт ичида тадбиркор кўплаб маҳалла фуқароларини иш билан таъминлашга ҳисса қўшди. Эндиликда фаолиятини кенгайтириб, тухум ва гўшт махсулотлари ишлаб чиқариш қувватини ошириш режасида.



Аниқ режа, меҳнат ва ташаббус билан ҳар қандай мақсадга эришиш мумкин.

Пировардида янги иш ўринлари яратилади.

— Паррандачилик фаолиятини 500 бош жўжа билан бошлаганман, — дейди тадбиркор Шарофат Ҳайитбоева. — Ҳозир ҳар бир етиштириш даврида 5 мингдан 7 минг бошгача парваришляямиз. Бу ерда 10 нафарга яқин ёш бандлиги таъминланган. Эндиликда қўшимча 3 та бино қуриб, паррандалар сонини оширамиз.

Аниқ режа, меҳнат ва ташаббус билан ҳар қандай мақсадга эришиш мумкин. Қолаверса, фуқароларнинг тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш, маҳаллаларни ишсизликдан холи худудга айлантириш, фаровон ҳаёт тарзини шакллантириш — давлатнинг энг катта мақсади ҳисоблянади. Эндиликда мана шундай натижадор ташаббусларнинг маҳаллаларда, чекка худудларда амалга ошириляётгани фуқаролар манфаатлари учун хизмат қиляпти.

ЭШИТДИНГИЗМИ?

ДАВЛАТ ХАРИДЛАРИНИ АМАЛГА ОШИРИШ ТАРТИБИ БЕЛГИЛАНДИ

Вазирлар Маҳкамасининг 2025 йил 24 февралдаги қарори билан “Давлат харидларини корпоратив банк карталари орқали амалга ошириш тартиби тўғрисида”ги низоом тасдиқлянди. Мазкур ҳужжат давлат буюртмачиларининг миллий валютада нақд пулсиз шаклда корпоратив банк карталари (харид карталари) орқали давлат харидларини амалга ошириш тартибини белгиляди.



Севара ЎРИНБОЕВА, Адлия вазирлиги ҳузуридаги Мультимедиа маркази раҳбари.

Давлат буюртмачиси харид картасидан фойдаланган ҳолда, давлат харидларини амалга ошириш мақсадида харид картаси ҳисобварағини очиш учун қонунчиликда белгиланган тартибда эмитент банкка мурожаат қиляди. Бу жараёнда бюджет буюртмачисининг ҳар бир тегишли шахсий газна ҳисобварағи бўйича эмитент банкда алоҳида банк транзит ҳисобварағи очилади.

Давлат буюртмачилари томонидан харид картасига иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловлар, пенсиялар, нафақалар, стипендиялар ва дивидендлар ўтказилишига, шунингдек, харид картаси ёрдамида нақд пул берилиши ва чет эл валютаси сотиб олинишига йўл қўйилмайди.

Давлат буюртмачилари томонидан бошланғич нархни пайсаятириш учун ўтказиладиган аукцион савдоларида иштирок этиб, харидларни амалга ошириш учун харид картасидан фойдаланиш тақиқлянади.

Харид картасидан фойдаланиш ҳуқуқига эга бўлган ҳисобдор шахслар рўйхати давлат буюртмачиси раҳбарининг буйруғи (фармойиши) билан белгилянади. Ҳисобдор шахслар мазкур давлат буюртмачиларининг ходимлари бўлиши шарт.

СОЛИҚЧИ — КЎМАКЧИ



“ЭНГ ЯҚИН КЎМАКЧИ, ИШОНЧЛИ ҲАМКОРГА АЙЛАНДИК”

Президентимиз ташаббуси билан “маҳалла еттилиги” ташкил этилгач, солиқ ходимлари маҳалладаги имкониятларни ишга солиб, солиқ базасини кенгайтириш, тадбиркорларга солиқ хизматларини кўрсатиш, солиқларни ундириш ва “маҳалла бюджети” даромадини шакллантиришга масъул бўлди. Хизмат вазифалари белгиляб берилди.

Диляфрўз ЖЎРАЕВА, Навоий шаҳридаги “Ғалаба” маҳалласи солиқ инспектори.



Мол-мулк ва ер солиғидан тушадиган солиқ тушумларининг 10 фоизи “маҳалла бюджети”да қолаётгани кўпчилиқда рағбат уйғотляпти.

Эндиликда олдингидек фақат жисмоний шахсларнинг мол-мулк ва ер солиғини ундириш билан эмас, “маҳаллабай”, “корхонабай” асосида йиғирмадан ортиқ йўналишда ишляямиз. Ҳар бир тадбиркорлик субъекти ва хонадонга кириб, уларни солиқ қонунчилиги, имтиёз ва имкониятлар ҳақида хабардор этилмиз. Нормасий ишляётганлар расмий рўйхатдан ўтказилиб, қонуний ишляши таъминляняпти. Натижада солиқ тушумлари сезиларли даражада оширилди. Жорий йилнинг январь ойида бюджетга режадаги 100 млн. 763 минг сўм ўрнига 126 млн. 458 минг сўм, февраль ойида 189 млн. 720 минг сўм ўрнига 195 млн. 249 минг сўм солиқ тушуми ундирдик.

“Солиқчи — кўмакчи” тамойили асосида тадбиркорлик субъектларига берилган кредитлардан тўғри фойдаланиш, кичик бизнес вакиллари фаолиятида учраётган муаммоларни ўз вақтида ҳал этиш чораларини кўрялмиз. Тадбиркор ва солиқчи ўртасида мустаҳкам ҳамкорлик ўрнатиб, солиқ тўловчиларнинг энг яқин кўмакчиси ва ишончли ҳамкорига айландик. Натижада аҳолининг солиқ соҳасидаги билими, маданияти ошди. Энди қарздорлик бўйича хонадонма-хонадон юришимизга ҳожат қолмаяпти, ҳатто мол-мулк ва ер солиғи тўловларини ўз вақтида амалга оширяпти. Албатта, бу жараёнда маҳалла раиси “еттилик” аъзоларига бош-қош бўлиб, яқиндан кўмаклашляпти. Қолаверса, мол-мулк ва ер солиғидан тушадиган солиқ тушумларининг 10 фоизи “маҳалла бюджети”да қолаётгани кўпчилиқда рағбат уйғотляпти. Чунки маҳалласи обод бўляпти, яшаш шароити яхшиляняпти.

Навоий шаҳар марказида жойлашган ушбу маҳаллада 41 та кўп қаватли уй бўлиб, унда олти мингдан ортиқ аҳоли яшайди. Уларнинг аксарияти давлат ташкилотлари ва саноат корхоналарида меҳнат қиляди. Қувонарлиси, маҳаллага солиқ инспектори бириктирилгач,

савдо-сотик, маиший хизмат кўрсатиш ҳамда овқатляниш шохобчалари ривожляниб, тадбиркорлар сони икки баробарга ўсди. Вақтинча молиявий қийинчиликка дуч келган 5 нафар тадбиркор фаолияти тиклянди. Ноконуний фаолият юритаётган 25 та тадбиркор рўйхатдан ўтказилди. 11 та корхонада ишляётган 9 нафар ишчи-ходимнинг фаолияти қонунийлаштирилди. Ҳозирда 62 та юридик шахс ва 18 нафар якка тартибдаги тадбиркор фаолият юрияпти. Икки нафар ЯТТ оилавий корхонага айлантирилди. 602 нафар фуқаро сартарошлик, гўзаллик салони, тикуччилик, таксичилик каби ўнлаб йўналишларда ўзини ўзи банд қилиб, расмий даромад толяпти.

“Ғалаба” маҳалласида савдо-сотик, маиший ҳамда сервис хизмат кўрсатиш соҳасида тадбиркорлик қилишни истаётган фуқаролар кўп, лекин жой муаммо бўляпти. Аксариятининг аукцион орқали ер сотиб олиш имконияти йўқ. Агар уларга ер майдони ажратиб берилса, тадбиркорлар сони ортиб, кўплаб ишсизлар ишли бўларди. Ёнг муҳими, оилаларга қўшимча даромад кириб, маҳалла бюджети ортади. Бунинг натижасида йиғинлардаги кўплаб ижтимоий, иқтисодий муаммолар ҳал этиляди.

СЎРАГАН ЭДИНГИЗ...

А.САИДОВ. Сирдарё вилояти:

— Етим қолганим сабабли менга давлат ҳисобидан квартира берилди. Лекин ушбу квартира учун солиқ қарзи чиқляпти. Айтинг-чи, квартирам учун солиқ тўлашим керакми?

ЕТИМЛАР ҲАМ СОЛИҚ ТЎЛАЙДИМИ?

Музаффар НАЗАРОВ, Солиқ қўмитаси бошқарма бошлиғи ўринбосари:

— Етим болалар ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларнинг мол-мулки мол-мулк солиғидан озод қилинган. Мазкур имтиёз бундай болаларга давлат томонидан ажратиладиган уй-жой учун улар 23 ёшга тўлганига қадар амал қиляди ва мулкдорнинг танловига кўра, фақат битта яшаш учун мўлжалланган кўчмас мулк объектига татбиқ этиляди.

Имтиёздан фойдаланиш учун сиз ушбу турар-жой жойлашган жойдаги солиқ органларига имтиёзга бўлган ҳуқуқларни тасдиқловчи ҳужжатларни мустақил равишда тақдим этишингиз лозим. Юқоридагилардан қелиб чиққан ҳолда, агар сиз 23 ёшга тўлмаган бўлсангиз, у ҳолда ушбу квартира учун мол-мулк солиғидан озод қилинаси. Солиқ органларига имтиёз олиш ҳуқуқини тасдиқловчи ҳужжатларни мустақил равишда тақдим этиш орқали имтиёздан фойдаланишингиз мумкин.

БИЛАСИЗМИ?


КЎЧМА САВДО ОБЪЕКТИ ҚАНДАЙ ЖОЙЛАШТИРИЛАДИ?

Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 3 августдаги қарори билан тасдиқлялган Кўчма савдони амалга ошириш тартиби тўғрисидаги Низоомнинг 24-бандига кўра, туман (шаҳар) давлат солиқ инспекцияси кўчма савдо объектларини жойлаштириш схемаларини тегишлича Ички ишлар вазирлиги Жамоат хавфсизлиги департаментининг Йўл ҳаракати хавфсизлиги хизмати ва Қурилиш вазирлигининг ҳудудий бўлиммалари билан «K — SAVDO» ААТ орқали 5 иш куни муддатда қелишди.

«K — SAVDO» ААТга киритилган жойлашиш схемаси юзасидан масъул вазирлик ва идораларнинг ҳудудий бўлиммалари 5 иш кун муддатда қелишмаган тақдирда, жойлашиш схемаси қелишилган ҳисоблянади. Бу жараёнда белгиланган муддатда қелишилмаган жойлашиш схемаси бўйича қўрилган зарар учун жавобгарлик чоралари тегишли мансабдор шахслар зиммасига юклянади.

«K — SAVDO» ААТга киритилган жойлашиш схемасини қелишиш рад этилган тақдирда, ушбу ташкилотнинг раҳбари (ўринбосари) томонидан асослангилриган ва имзоланган ҳулосани «K — SAVDO» ААТга илова қилиши шарт.

Бизнес-омбудсман.



Италиядаги Ўзбекистон
МАДАНИЙ МЕРОСИ
ДУРДОНАЛАРИ илк бор
Тошкентда намоиш
этилади.



Дехлида
Ўзбекистон туризми
ва маданияти
ТАКДИМОТИ
ЎТКАЗИЛДИ.



Энди чиқинди тўплаш
шоҳобчаси бўлмаса,
қурувчи хонадонларни
фойдаланишга
ТОПШИРА ОЛМАЙДИ.

30,6 фоиз маҳаллада жиноят содир этилмади



2024 йилда республикамызда содир этилган умумий жиноятларнинг 92,4 фоизи фош этилган. Қидирувдаги шахсларнинг 8 736 нафари ушланган ва бедарак йўқолганларнинг 567 нафари топилган. 3 880 нафар шахс содир этган 3 293 та коррупция ва иқтисодиёт соҳасидаги жиноятлар аниқланиб, улар оқибатида етказилган 239 млрд. 584 млн. сўм миқдоридаги зарар ундирилиши ҳамда одам савдоси жиноятини содир этган 219 нафар шахсга нисбатан қонуний чоралар кўрилди.

Мақсадбек ҚўЧҚОРОВ.

Бунда Олий Мажлис Сенатида ўтган Мудофаа ва хавфсизлик масалалари қўмитаси мажлисида Ички ишлар вазирлиги масъуллари ахборотида айтиб ўтилди. Вазирлик маълумотига кўра, 2024 йилда ходимларнинг ташаббуси билан 27 минг 953 та жиноят аниқланган бўлиб, мазкур амалиёт 23,4 фоизга яхшилانган. Бевоcита маҳаллаларда жиноятчиликни жиловлаш мақсадида салмоқли ишлар амалга оширилган. Натижада жами маҳаллаларнинг 30,6 фоизда жиноят содир этилишига йўл қўйилмаган. Ўз навбатида, жиноятлар қайд этилган маҳаллаларнинг 14,3 фоизи “қизил” тоифага киритилган.

Тазйик ва зўравонликка учраган 54 минг нафардан ортиқ хотин-қизга ҳимоя ордери берилган. Оилавий муаммолар ва зўравонликка дуч келган хотин-қизларнинг 625 нафари аёлларни реабилитация қилиш ва мослаштириш марказларига жойлаштирилган. Бирок ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва уларнинг профилактикаси йўналишида муайян камчиликлар, ўз ечимини кутаётган масалалар бор. Хусусан, 2024 йилда мамлакатда 132 минг 298 та жиноят содир этилган. Жами жиноятлар сони мамлакат бўйича ҳар 100 минг аҳолига қарийб 200 тадан тўғри келган. Олди олиниши лозим бўлган жиноятлар сони ханузгача жиноятларнинг салмоқли қисмини ташкил этмоқда. Уларнинг асосий улушини ўғрилик ва фирибгарлик жиноятлари ташкил этиб, 59,4 фоизини ёшлар, 36,1 фоизини илгари судланганлар содир этган. Бундан ташқари, жиноятларнинг 7 мингдан ортиғи ишсизлар томонидан содир этилгани, жойларда аҳолини иш билан таъминлаш масалалари самарали ҳал этилмаётгани натижасидир. Киберхавфсизлик йўналишида 58,8 мингта жиноят содир этилгани ва уларнинг 97,7 фоизи фуқароларнинг банк пластик карталаридаги пулларни кўлга киритиш билан боғлиқлиги танқид остига олди. Шу билан бирга, мажлисда барчамизни ташвишга солаётган яна бир масала — йўл-транспорт

ҳодисаларининг сони юқорилигига эътибор қаратилди. Олий Мажлис Сенатининг Мудофаа ва хавфсизлик масалалари қўмитаси раиси Қутбиддин Бурҳонов сўзларига кўра, автомобиль йўлларида содир бўлган йўл-транспорт ҳодисалари сони, унда жароҳатланганлар ва вафот этганлар сони 2023 йилга нисбатан камайишга эришилган бўлса-да, йўловчилар хавфсизлигини таъминлаш юзасидан таъсирчан назорат ҳали тўлиқ ва самарали ўрнатилмаган. Оқибатда ҳисобот даврида 9 364 та йўл-транспорт ҳодисаси содир этилиб, 8 901 нафар фуқаро жароҳатланган ва 2 203 нафар фуқаро ҳалок бўлган. Йўл-транспорт ҳодисаларининг 47,1 фоизи ҳайдовчилар томонидан пйедага йўл бермаслик ҳамда 22,8 фоизи белгиланган тезликка, 3,7 фоизи уҳлаб қолиши ва 3,6 фоизи светофорга амал қилмаслик оқибатида содир бўлган.

Республика ҳудудида шахарлараро ва халқаро йўналишларда йўловчи ташувчи автобусларни назорат қилиш бўйича ўтказилган махсус рейд тадбирларида автобусни маст ҳолда бошқариш билан боғлиқ 61 та ҳолат аниқланган.

Қўриб чиқилган масала юзасидан тегишли қарор қабул қилинди. Унда олди олиниши лозим бўлган жиноятлар салмоғи ортиб бораётган ҳудудларда ҳақиқий аҳолини ўрганиш ва вазиятни яхшилаш бўйича қўшимча чоралар кўриш кераклиги белгиланди. Шунингдек, кибержиноятлардан аксарият фуқароларнинг жабр кўраётганини инобатга олиб, қарорда банклар ва электрон тўлов тизимлари операторлари фаолиятига махсус дастурий таъминотлар (антифрод каби) жорий этиш, замонавий таҳдидларнинг, банк карталари билан, шу жумладан, электрон тўлов тизимлари орқали ноқонуний операцияларнинг олдини олиш бўйича махсус тезкор-техник тадбирлар ўтказилишини кучайтириш каби бошқа масалалар акс этирилиган.

Маҳаллаларда хавфсиз муҳитни яратиш, содир этиладиган қонунбузарликларнинг туб илдизларини ўз вақтида аниқлаш орқали жиноятчиликнинг барвақт олдини олиш — асосий вазифамиз. Бу борада ишлар қизғин давом этапти.

ХАВФСИЗ МУҲИТ УЧУН
ЖАМОАТЧИЛИК ЖАЛБ ЭТИЛГАН

Азамат АМЕТОВ,
Кегейли туманидаги
Абат овул фуқаролар йиғини
профилактика инспектори.

Президентимизнинг “2025 йилда республика маҳаллаларида хавфсиз муҳитни яратиш ва ҳуқуқбузарликларнинг барвақт олдини олиш тизими самарадорлигини янада ошириш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарориди белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш учун “йўл харитаси” ишлаб чиқдик. Унда “маҳалла еттилиги”нинг ҳар бир вакилига аниқ вазифалар белгиланди. Аҳолининг ҳуқуқий онги, ижтимоий фаоллиги ва фуқаролик масъулиятини ошириш, жиноят содир этилишига сабаб бўлиши мумкин бўлган ижтимоий муаммоларни ҳал этишга жамоатчилик вакиллари, нурунийлар ва маҳалла фаоллари кенг жалб этиляпти.

Шу ўринда йиғин, иш фаолиятим ва тажрибаларим ҳақида қисқача тўхталиб ўтсам. Абат овули туман марказидан 10 километр олисда бўлиб, бу ерда олти мингга яқин аҳоли яшайди. Овул ҳудуди катта — 13 та аҳоли пункти бор. Фуқароларнинг асосий қисми — деҳқончилик ва чорвачилик ортидан кун кечиряпти.

Яқинда овулда хавфсиз муҳитни таъминлаш учун битта камера етарли эмаслигини айтиб, қўшимча 10 та видеокузатув қурилмалари ўрнатиш тақлифини бердик.

Айримлари овулдаги учта умумтаълим мактаби ҳамда иккита давлат ва битта хусусий боғчаларда меҳнат қилмоқда.

Ҳудудда бирор ишлаб чиқариш корхонаси ёки тадбиркорлик кенг ривожланмагани учун ишсизлик муаммоси бор. Шу сабаб, меҳнатга лаёқатли аҳолининг аксарияти эрта баҳордан кеч кузгача қўшни Қозоғистон Республикаси ҳамда Россияда ишлайди. Улар учун алоҳида телеграм гуруҳ очиб, ким қайси давлатга, қандай ишга кетаётганидан хабардор бўлиб, уларнинг рўйхатини шакллантириб боряпман. Ҳар ой хорижга чиққан фуқаролар билан мулоқотда бўлиб, ишлаш ва яшаш шароитларини ўрганиб боряпман. Шунингдек, уларнинг ота-оналари ва оила аъзолари билан учрашувлар ўтказиб, вояга етмаган фарзандлари тарбиясини назоратга олганмиз.

Бугун ёшлар таълим-тарбияси жуда долзарб. Шу боис мактаб — ота-она — маҳалла ҳамкорлигида мактаб ўқувчиларининг таълим-тарбияси, дарсда мунтазам иштирокчини таъминлаш ҳамда бўш вақтларини мазмунли ўтказишга алоҳида эътибор қаратяпмиз. Учта мактабда ёшларнинг қизиқишларидан келиб чиқиб, фан ва спорт тўғрисидаги ташкил этилди. Фуқаролар ташаббуси билан “Ташаббусли бюджет” танловида ғолиб бўлиб, футбол стадиони қурдик. Чемпион-

ларимиз кўп. Биргина “жиу-житсу” спорт мусобақаларида фахрли ўринларни эгаллаб келяпти. Ёшлар етакчиси билан ҳамкорликда спорт мусобақалари, турли танлов ва маданий тадбирлар ўтказиб келяпмиз.

Яна бир жиддий масала шундаки, бугунги кунда йўл-транспорт ҳодисалари оқибатида ёш болалар ва ўқувчилар ўлими ортмоқда. Шу боис “Ташаббусли бюджет” орқали ҳудуддаги таълим муассасаси олдида ўтувчи “Кегейли —Бўзатов” автомобиль йўлига тезликни чекловчи фоторадар ўрнатдик.

Овул катта бўлса-да, фуқаролар бир-бирини яхши танигани, қавму қариндош бўлиб кетгани учун ҳудудда ўзаро жанжаллашиш йўқ. Лекин айрим ҳолларда иқтисодий муаммолар сабаб оилаларда келишмовчиликлар юзага келиб туради. Бундай ҳолатларда “маҳалла еттилиги” ва кенг жамоатчилик аъзолари билан биргаликда ўша оилаларга бориб, муаммолар масалани ҳал этапмиз.

Жорий йилда режалар кўп. Аввало, юқорида белгиланган “йўл харитаси” ижросини бажарамиз. Яқинда овулда хавфсиз муҳитни таъминлаш учун битта камера етарли эмаслигини айтиб, қўшимча 10 та видеокузатув қурилмалари ўрнатиш тақлифини бердик. Агар ички қўчаларга тунги ёритгич чироқлари қўйилса, овул янада хавфсиз бўларди.

ЭШИТДИНГИЗМИ?

Ҳарбийларнинг ижтимоий ҳимояси кучайтирилади

Президентнинг 2025 йил 24 февралдаги қарорига кўра, 2025 йил 1 мартдан ҳарбий хизматчиларга тураржойни ижарага олганлик (ижарада турганлик) учун тўланадиган ҳар ойлик пул компенсацияси миқдори 20 фоизга оширилади.

2025 йил 1 июндан қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ тасдиқланган ипотека кредитларини ажратиш кўрсаткичлари асосида уй-жой билан таъминланган, календар ҳисобида 10 йилдан ортиқ ҳарбий хизматни ўтаган ҳарбий хизматчиларга тураржой сотиб олиш (қуриш) учун ипотека кредити олинишида ажратиладиган дастлабки бадал миқдори уй-жой хисобланган қийматининг 35 фоизи миқдорида белгиланади.

Президентнинг 2005 йил 30 июндаги ПҚ–112-сон қарорига киритилган ўзгартришларга кўра: – 2025 йил 1 мартдан йил якунигача Куролли Кучларнинг контракт бўйича хизмат қилаётган, амалдаги сарф-харажатлар доирасида тураржой билан таъминланган оддий аскар, сержант ва офицерлар таркибидаги ҳарбий хизматчиларга тураржойни ижарага олганлик (ижарада турганлик) учун: – Тошкент шаҳрида – БҲМнинг 4,8 бараваригача миқдорда; – Нукус шаҳри ва вилоятлар марказларида – БҲМнинг 3,6 бараваригача миқдорда;



– бошқа шахарлар, туман марказлари ва аҳоли пунктларида – БҲМнинг 2,4 бараваригача миқдорда ҳар ойлик пул компенсацияси тўловлари белгиланди. Оила аъзолари 3 киши ва ундан ортиқ бўлган тақдирда ҳарбий хизматчиларнинг ушбу пул компенсацияси миқдорлари 50 фоизга оширилади. 2026 йилдан ҳар йили ҳар ойлик пул компенсацияси тўловлари миқдори ҳудудлар кесимида тураржой ижарасининг бозор нархларидан келиб чиққан ҳолда, Ҳукумат қарори билан белгилаб борилади.

МЕНДА САВОЛ БОР...

Бахтиёр САЙДУЛЛАЕВ.
Андижон вилояти:

— Интизомий жазоси бор ходимга 8 март байрами учун мукофот берса бўладими? Агар мумкин бўлмаса, беришинг қандайдир йўли борми?

ИНТИЗОМИЙ ЖАЗОСИ БОР ХОДИМГА БАЙРАМ ПУЛИ БЕРИЛМАЙДИМИ?

Муҳаммадмин КАРИМЖОНОВ,
ҳуқуқшунос:

— Меҳнат кодексининг 299-моддаси 5-қисмига кўра, интизомий жазонинг амал қилиш муддати ичида ходимга нисбатан рағбатлантириш чоралари, шу жумладан, меҳнатга ҳақ тўлаш тизимида кирмайдиган ва меҳнат натижаларига асосланмаган мукофотлар (байрамлар, шу жумладан, касб байрамлари, юбилейлар муносабати билан ва ҳоказолар) қўлланилмайди. Мазкур кодекснинг 315-моддаси 1-қисмига кўра, интизомий жазонинг амал қилиш муддати у қўлланилган кундан эътиборан 1 йилдан ошмаслиги керак.

Демак, байрам саналари билан берилган мукофотлар меҳнатга ҳақ тўлаш тизимида кирмайди ва меҳнат натижаларига асосланмайди. Шунинг учун интизомий жазо амал қилаётган ходимга байрам мукофоти берилмайди. Агар ходимга байрам мукофоти бермоқчи бўлсангиз, у ҳолда интизомий жазонинг олиб ташланг. Ушбу кодекснинг 315-моддаси 3-қисмига кўра, иш бериувчи интизомий жазони исталган вақтда олиб ташлашга ҳақли. Интизомий жазони муддатидан олдин олиб ташлаш иш бериувчининг буйруғи билан расмийлаштирилади.



Олис ҳудудлардаги педагог кадрлар учун МОБИЛ МАЛАКА ОШИРИШ автобуслари тарқатилди.



Эндиликда боғча тарбиячилари ҳам УСТАМА ОЛИШГА даъвогарлик қилиши мумкин.



Тадқиқотга кўра, Ўзбекистон аҳолисининг 94 фоизи бугунги ислохотларни Қўллаб-қувватлайди.

ТАҚДИРЛАР

— Буви, бувижон, мени табрикланг, мусобақада ғолиб бўлиб, Осиё чемпионатида иштирок этадиган бўлдим. Набирасининг кўнғирокдек овозини эшитган Фотима холянинг кўзлари ёшланди. Айвонда урчуқ йигириб ўтирган онахон дуога кўл очиб, унга давомли ютуқлар тилади.

ТИНИМСИЗ МЕҲНАТ МУНИСАНИ МУВАФФАҚИЯТГА ЕТАКЛАДИ



Нигина ШОЕВА, журналист.

Шўрчи туманидаги Ибн Сино номидаги маҳаллада яшовчи Муниса Пардаева Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университетининг 2-босқич талабаси. Шу билан бирга, у спортнинг канозда эшак эшиш тури билан шуғулланиб, бир нечта мусобақаларда ғолиб бўлган. 2024 йил 19-22 октябрь кунлари параканозда эшак эшиш бўйича ўтказилган Ўзбекистон чемпионатида иштирок этиб, Осиё ўйинларида қатнашиш йўлланмасини қўлга киритди. Иккинчи гуруҳ ногирони бўлган Муниса ўз устида ишлашни, доимо ҳаракатда бўлишни хуш кўради. У ҳеч қачон изланишдан, меҳнат қилишдан чарчамайди.

Жисмонан имконияти чекланган бўлишига қарамай, ўз вақтида имтиёзлардан самарали фойдаланаётган Муниса Пардаева келгусида инклюзив таълим ривожига ўз ҳиссасини қўшиш ниятида.

— Университетда сурдопедагогика йўналиши бўйича таҳсил оляпман, — дейди Муниса Пардаева. — Кар ёки заиф эшитувчи болаларни махсус ўқитиш ва тарбиялаш масалалари бўйича янги замонавий методларни ишлаб чиқиш борасида устозларим билан биргаликда изланяпмиз. Психологик ривожлантириш, ўқув фанларини ўқитиш, талаффузн ўрнатиш орқали ногиронлиги бўлган болаларни жамиятда ўз ўрнини топишга кўмаклашиш мумкин.

Албатта, яхши ният, эзгу амал ҳар бир инсонни улуғлайди. Қаҳраонимиз ҳам олдига аниқ мақсадлар қўйиб, олға ҳаракат қилишдан сира тўхтаб қолаётгани йўқ.



МУҲИМИ, КЎМАК ВА ЭЪТИБОРНИ ТЎХТАТМАСАК БАС...

Маҳалла идорасига ёрдам сўраб келадиган киши аввал анча ўйлайди. “Борсам, қандай қабул қилишади. Гапимни кимдир эшитармикан?”, деган иккиланишлар бўлади кўнғлида. Шунинг билан ҳолда ҳеч кимни эътибордан четда қолдирмасликка ҳаракат қиламан. Ҳар бир фуқарога қўлимдан келганча кўмак кўрсатаман.

Шоҳида ЎРОҚОВА, Яқкабоғ туманидаги “Нурафшон” маҳалласи ижтимоий ходими.

Ижтимоий ходим лавозимида иш бошлаган илк кунларим эди. Хатлов жараёнида бир хонадонга кирдик. Ховли бўйлаб ҳар томонга қарата симлар тортиб қўйилган. Аввалига нима учун бундай қилинганини ташунамидим. Кейин билсам, хонадон эгасининг кўзи ожиз экан. Ўзининг

эркин ҳаракат қилиши учун шу тарзда шароит ҳозирлабди. Фуқаро билан суҳбатлашиб, қандай ёрдам кераклигини сўрадик. У махсус ҳассага эҳтиёжи борлигини айтди. 3 кунга қолмай мурожаат ижобий ечим топди.

Биринчи кўрсатган бу ёрдамим ҳали-ҳамон мени ҳаяжонлантиради. Ишимнинг нақадар савобли эканини ўшанда ич-ичимдан ҳис қилгандим. Гарчи кичик хизмат бўлишига қарамай, бир муҳтожнинг огирини енгил қилганимдан хурсанд бўлгандим.

Маҳалламизда 3 минг 59 нафар аҳоли истиқомат қилса, шундан 34 нафари ногиронлиги бўлган фуқаролар. Кам таъминланган оилалар сони 79 тани ташкил этади. 5 та хонадон камбағаллиги сабабли алоҳида ишлаш мақсадида раҳбар ходимларга бириктирилган. Аини вақтда уларнинг шароитини яхшилаш, муаммоларини ўрганиш жараёни давом этмоқда.

ИЖТИМОЙ ҲИМОЯ

Санобар Самадованинг оиласи ҳам камбағаллик реестрига киритилган. Фуқаро онкологик касалликдан азият чекаётгани учун 2-гуруҳ ногиронлиги белгиланди. Шу билан бирга, “Саховат ва кўмак” жамғармасидан дори-дармонлари учун моддий ёрдам ажратилди. Ҳаракатланишга қийналаётганини инобатга олиб, юриш мосламаси тақдим этилди. Даволаниши учун бу йил ҳисобидан яна маблағ ажратишни ният қилганмиз. 3 нафар фарзандидан бир нафарига ногиронлиги борлиги учун нафақа тўланапти. Оилани огир вазиятдан олиб чиқишда турмуш ўртоғининг бандлигини таъминлаш жуда муҳим. Шу боис кунлик ишлаб юрган бу эркакни доимий меҳнатга жалб қилишни режалаштиряпмиз.



Ҳудудимизда шу кунга қадар 12 та кейс очилган. Комплекс хизмат кўрсатилган ҳар бир фуқаронинг ҳолидан ҳалигача тизимли равишда хабар олиб тураман. Аслида, бир-иккита кўмак билан ҳеч кимнинг шароити ўзгариб қолмайди. Агар ишимизда мунтазамлик бўлса, инсонларга давомий тарзда йўл-йўриқ кўрсатсак, бирор натижага эришишимиз мумкин.

Яқинда маҳалладошимиз Аҳмаджон Бердиевга оёқ протези буюртма қилдик. У ўн уч йил аввал Россияда оёғидан айрилиб келган. Ишхонаси олиб берган протези эскириб кетган экан, янгисига алмаштириб бердик. Энди бозор яқинидан бирор кўчма дўкон ташкил этиб, косибчилик билан шуғулланишига имконият яратиш бормоқчимиз.

Ижтимоий ходимнинг асосий вазифаси — инсонларга ёрдам қўларини узатиш. Шу маънода жорий йилда маҳалла биноси ёнидаги маданият марказида эҳтиёжманд оила фарзандлари ҳамда 7 нафар ногиронлиги бўлган болага хорижий тил ва компьютер саводхонлиги курсларини очиб бўйича лойиҳа тайёрляпман.



Шу йил 1 июлдан бошлаб “Ижтимоий ҳимоя ягона реестри”га киритилган жисмоний шахсларга қонунчилик ҳужжатларида белгиланган товар ва хизматлари белгиланган миқдор доирасида харид қилишда тўланган қўшилган қиймат солиғи суммасини бир иш кунинда қайтариш йўлга қўйилади.

“ИЖТИМОЙ КАРТА”: ҚУЛАЙ, ТЕЗ ВА ОСОН



Мамлакатимизда аҳолини кучли ижтимоий ҳимоя қилишга қаратилаётган юксак эътибор оилалар, болалар, аёллар, қариялар, ногиронлиги бўлган шахсларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, муҳтожларнинг уй-жой масаласини ҳал этиш, бандлигини таъминлаш, сифатли таълим, малакали тиббий ёрдамлар кўрсатиш, камбағалликни қисқартириш каби йўналишларда кенг намоён бўлмоқда.

Шахноза ЭРҒАШЕВА, Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги Сурхондарё вилояти бошқармаси мутахассиси.

Президентнинг 2024 йил 18 июлдаги “Аҳолини давлат томонидан ижтимоий қўллаб-қувватлаш тартибини тубдан такомиллаштириш тўғрисида”ги қарори бу борадаги ишлар

натижадорлигини янада оширди. Бу аҳолининг ижтимоий қўллаб-қувватлашни қафолатланган тарзда олиниши ҳамда унинг манзиллилиги ва самарадорлигини таъминлашга хизмат қилаётир. Шу билан бирга, фуқароларга қулайлик яратиш мақсадида ижтимоий қўллаб-қувватлашга оид барча чоралар рақамли технологиялар асосида тақдим этишга ўтилмоқда. Мутахассисларнинг айтишича, эндиликда “Ижтимоий карта” ахборот тизими жорий этилиб,

ижтимоий тўловлар ва субсидиялар, ижтимоий хизматлар ва ёрдамларни тайинлаш, тақдим этиш, мониторинг қилиш ҳамда баҳолаш жараёнлари, шунингдек, ижтимоий хусусиятга эга бошқа барча амалиётлар босқичма-босқич тўлиқ автоматлаштириляпти.

Жорий йил 1 апрелдан бошлаб, босқичма-босқич ногиронлик тўғрисидаги маълумотнома, талаба ва ўқувчилар гувоҳномалари, уруш қатнашчилари ёки уларга тенглаштирилган шахслар гувоҳномаларининг қоғоз шакли ижтимоий картага алмаштириш орқали бекор қилинмоқда. Шу йил 1 июлдан бошлаб “Ижтимоий ҳимоя ягона реестри”га киритилган жисмоний шахсларга қонунчилик ҳужжатларида белгиланган товар ва хизматларни белгиланган миқдор доирасида харид қилишда тўланган қўшилган қиймат солиғи суммасини бир иш кунинда қайтариш йўлга қўйилади.

Сурхондарё вилоятида ҳам шу йил 1 июлдан ижтимоий тўловларни ижтимоий карталар орқали тўлашни босқичма-босқич жорий этишга ўтилади.

ЯНГИ ТИЗИМ



БИЛАСИЗМИ?

ЕР СОЛИҒИ ТЎЛАМАЙДИ

Ота ва онадан бири ёки ота-онанинг ҳар иккиси вафот этган кўп болали оилалар солиқ солишда боқувчисини йўқотган кўп болали оилалар ҳисобланади.



Мана шундай оилалар Солиқ кодексининг 436-моддасига асосан ер солиғи тўлаши шарт бўлмаган оилалар тоифасига қиради.

Бу имтиёздан фойдаланиш учун манфаатдор шахс Бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси туман (шаҳар) бўлимига мурожаат қилиб, улар томонидан боқувчисини йўқотганлик бўйича бериладиган тегишли маълумотномани талаб қилиб олиши керак. Мазкур ҳужжат асосида улар юқоридаги имтиёздан фойдаланиши мумкин. Оила кодексига қайд этилишича, тўрт нафар ва ундан ортқ ўн саккиз ёшга тўлмаган боласи бўлган оила кўп болали оила ҳисобланади.





Олимпиада чемпиони **ДИЁРА КЕЛДИЁРОВА** номидаги дзюдо клуби очилди.



Малайзияда ўтказилган **ВЕЛОСПОРТ БҲЙИЧА** Осиё чемпионатида 3 та олтин ва 5 та бронза медалига сазовор бўлди.



Черногорияда **ШАХМАТ БҲЙИЧА** U20 ёш тоифаси бўйича ўтказилаётган жаҳон чемпионатида 11 нафар спортчимиз иштирок этяпти.

БИЗ – СОҒЛОМ ТУРМУШ ТАРЗИ ТАРАФДОРИМИЗ!

ТАВСИЯ



“САҒЛИКЛИК УЗИЛДИ” ДАВРИДА ҚАНДАЙ ДАРМОНЛАР КЕРАК?

Юртимизда киш тугаб, илик баҳор фасли бошланиш арафасида. Аини шу паллада кўпчилик инсонларда ҳолсизлик ва рухий толиқиш кузатилади. Хўш, бу нима билан боғлиқ? Унинг олдини олиш учун қандай йўл тутиш лозим?

Ғули ШАЙХОВА,
Соғлиқни сақлаш вазирлиғи бош нутрициологи.

Дарҳақиқат, фасллар алмашинуви даври, хусусан, куздан қишга, қишдан баҳорга ўтаётган пайт аксарият кишиларда бундай ҳолат кўп учрайди. Бу эса организмда моддалар алмашинуви тезлашиши ва витаминларга бўлган эҳтиёж ортиши билан боғлиқ. Яъни авитаминоз (витаминлар етишмаслиғи) сабабли инсон эрталаб уйқудан туришни

истамайди. Кўпчиликни ланжлик, уйқучанлик, диққат-этиборнинг сусайиши, рухий толиқиш, тушқунлик ва бош оғриғи қийнайди. Баъзи кишиларда юз-қўл териси қуриб, ёрилади. Қўз тагида кўкимтир излар пайдо бўлади, қуриш қобилияти пасаяди. Соч тўкилиб, тирноқлар мўртлашади. Шу боис

бу даврда витаминлар, минераллар, озуқали моддалар ва ўсимлик толарига бой озиқ-овқатлар тановул қилиш, ичаклар фаолиятини яхшилаш учун тоза сув ичиш лозим.

Қолаверса, баҳор фаслида кўкатли таомлар, сабзавотлар истеъмол қилиш мақсадга мувофиқ. Чунки улар таркибида организм учун зарур бўлган С витамини, озуқа толалари, биофлавоноидлар, антиоксидантлар мавжуд. Айниқса, исмалоқ, ялпиз, мадор, отқулоқ, жағ-жағ каби гиёҳлардан тайёрланган таомлар танада моддалар алмашинуви ва ошқозон-ичак тизимини яхшилаиди.

Шунингдек, қишда заифлашган организм А, В, D ва Е витаминларига муҳтож бўлгани сабабли уларнинг ўрнини тўлдириш учун тўлиқ донли ундан тайёрланган нон, ёнғоқ, ғўшт, балиқ, қаймоқ, творог, ёнғоқ, майиз, бодом ва асал ейиш керак. Тушлик ва кечки овқатда эса кўпроқ ёғсиз ва тез ҳазм бўлувчи овқатлар истеъмол қилиш мақсадга мувофиқ.

Аксинча баҳорда цитрус меваларни кўп ейиш тавсия этилмайди. Чунки табиат ўйғониши, дарахларнинг гуллаши аллергияга мойил кишиларда касалликни кўзгаши мумкин. Шунингдек, соч, қўл-оёқ ва юз парварishiга эътибор қаратиш, тери касалликлари ҳамда аллергияга мойил инсонлар шифокор назоратида керакли муолажаларни олиши лозим.

МОҲИЯТ

“РАМАЗОН — САХОВАТ, БИРДАМЛИК ВА БАҒРИКЕНГЛИК ОЙИ”

“Муборак Рамазон ойини муносиб тарзда ўтказиш тўғрисида”ги Президент қарори қабул қилинди.

Қарорга кўра, 2025 йилда муборак Рамазон ойининг бошланиши 1 март кунига тўғри келади.

Ушбу фазилатли ойда “Рамазон — саховат, бирдамлик ва бағрикенглик ойи” ғояси асосида қуйидагиларга алоҳида эътибор берилади:

эҳтиёжмандлар ҳамда илм-маърифат йўлида изланаётган ешларга ёрдам бериш бўйича ташаббусларни қўллаб-қувватлашга;

оилавий ришталарни мустаҳкамлаш, маҳаллаларда ўзаро тушуниш ва ишонч муҳитини кучайтириш ҳамда ҳурмат ва меҳр-окибат қадриятларини тараннум этишга;

атроф-муҳитни асраш ва исрофгарчиликка йўл қўймасликка.

ХИДОЯТ ЁҒДУСИ

Олимжон САЛИМОВ.
Тошкент вилояти:
— Қанча сарф-харажат исроф ҳисобланадию, қанчаси исроф саналмайди?

ИСРОФНИНГ ЧЕГАРАСИ БОРМИ?



Ўзбекистон мусулмонлари идораси Фатво маркази:

— Исрофнинг маъноси ҳамма учун тушунарли, аммо қанча миқдордаги сарф-харажатлар исроф ҳисобланадию, қанчаси исроф эмас, бу муайян миқдор билан белгиланмаган. Чунки мазкур масала вазиятга, шахсга, муҳитга қараб бир-биридан фарқ қилиши мумкин.

Исроф, асосан, учта кўринишда намоён бўлади:

1. Унинг энг ёмон кўриниши — мол-мулкни гуноҳ ишларга сарфлаш. Уламолар, гарчи арзимаган миқдор бўлса ҳам, гуноҳ йўлга сарфланган ҳар қандай мол-мулк исрофга қиради, чунки бу ноўрин жойга сарфлади, деганлар.
2. Зарур ҳолатларда сарфлаш, зеб-зийнатга, дабдабага сарфлаш. Бунга фарзандларнинг озиқ-овқати, кийим-кечаги ва дарсликларига ҳожат бўлиб турганда, эҳтиёж бўлмаган нарсаларни сотиб олиш каби ишлар қиради.
3. Сарф-харажатларда мўтадилликдан чиқиб кетиш. Ўртаҳол киши кийим-кечаги ва тўй-ҳашамларига доимий равишда катта маблағ сарфлаши бунга мисол бўлади.

Хулоса қилиб қуйидагиларни айтишимиз мумкин, шариат кўрсатмаси, ақл доираси ва одат чегарасидан чиқиб кетган ҳар қандай сарф-харажат исроф ҳисобланади.

Жисмонан фаол инсон саратонга чалинадими?

Кўпчилик спорт ва жисмоний фаоллик саломатликка ижобий таъсир кўрсатиши ҳамда умр кўриш давомийлигини ошириши, шунингдек, кўплаб касалликлардан ҳимоя қилиши ҳақида эшитган. Аммо бу давримизнинг энг ҳалокатли касалликларидан бири — саратонга тегишлими?



“Medicine and Science in Sports and Exercise” халқаро тиббиёт журналида жисмоний фаоллик ва саратон хавфи ўртасидаги боғлиқлик ҳақида кенг қўламли шарҳ нашр этилган. Унда олимлар 45 дан ортқ тадқиқот ва илмий мақолаларни таҳлил қилиб, жисмоний фаоллик бир қанча турдаги саратон хавфини камайтиради, деган хулосага келишди.

Мунтазам равишда жисмоний машқлар билан шуғулланадиган респондентларда машқлар қилишга ҳуши йўқ бўлганларга қараганда саратоннинг ривожланиш хавфи 20-25 фоизга камроқ бўлган.

Шу билан бирга, спортнинг ўзи ушбу касалликдан ҳимоя қилади, дейиш нотўғри. Жисмоний фаоллик ўсимта ривожланишига олиб келиши мумкин бўлган биологик фаол моддалар даражасини пасайтиради. Улар орасида баъзи гормонлар (масалан, эстрогенлар ва инсулин) ҳамда ҳужайра ўсишини рағбатлантирадиган ферментлар мавжуд.

Спорт, тўғри овқатланиш ва соғлом турмуш тарзи биргаликда ортқча вазн билан курашининг энг яхши усулидир. Семириб кетиш саратоннинг бир неча турлари ривожланиш эҳтимоллини ошириши маълум. Нормал тана вазнини сақлаб туриш

метаболизмни яхшилаиди. Бу эса тананинг ўсмага қарши ҳимоя тизимини фаоллаштиради.

Жисмоний машқлар имунитет тизимининг ишига фойдали таъсир кўрсатади. Бу бизни нафақат бактерия ва вирус каби ташқи таҳдидлардан, балки саратон ривожланишига олиб келадиган ички “бузилишлар”дан ҳимоя қилади. Яхши имунитет организмга биринчи ўсма ҳужайраларини ўз вақтида аниқлаш ва уларни йўқ қилиш имконини беради.

Шунингдек, ўз соғлиғига эътиборли бўлган ва фаол ҳаёт тарзига амал қиладиган инсонлар кечкиш ва спиртли ичимликларни истеъмол қилиш каби ёмон одатларга мойил бўлмайди. Бу ҳам ўсма пайдо бўлиш хавфини камайтиради.

Олимлар ҳафтасига камида 150 дақиқа ўртача интенсивликдаги жисмоний машқлар билан шуғулланишни тавсия қилади. Кунига 15-20 дақиқа бундай машғулотларни бажариш жуда фойдали. Ўртача интенсивликдаги машқларга тез юриш, рақс тушиш, велосипедда сайр қилишни кириштиш мумкин. Ҳатто уй бекалари учун хонадонни умумий тозалаш ёки ишларқада ишлаш ҳам жисмоний фаолликка мисол бўла олади.

Соғлиқни сақлаш вазирлиғи Матбуот хизмати.

ТАВСИЯ

БИЛИБ ҚҲЙИНГ! ТЕЗ ҚАРИТАДИГАН БЕШ МАҲСУЛОТ



1. Шакар ва ширинликлар.
Коллагенни бузиб, терининг эрта қаришини тезлаштиради.
2. Қовурилган ва ёғли таомлар.
Эркин радикаллар ҳосил қилиб, ҳужайраларни зарарлайди ва юрак-қон томир тизимига салбий таъсир қилади.
3. Ғазли ва шакарли ичимликлар.
Организмда сувни ушлаб қолиш қобилиятини камайтиради, бу эса терини қуришти ва ёшга тегишли ўзгаришларни тезлаштириши мумкин.
4. Колбаса ва тез тайёрланадиган ғўшт маҳсулотлари.
Кўплаб консервантлар ва туз сақлайди, бу эса ҳужайраларнинг қаришига олиб келади.
5. Рафинадланган углеводлар (оқ ундан тайёрланган нон, макарон ва бошқалар).
Инсулин даражасини ошириб, терининг эластиклигини пасайтиради ва эрта ажинларни келтириб чиқаради.

Ушбу маҳсулотлардан камроқ истеъмол қилиш ёки умуман ғоз кечиш қариш жараёнини секинлаштиришга ёрдам беради!



Mahalla

Ўзбекистон маҳаллалари уюшмасининг ижтимоий-сиёсий, маънавий-маърифий газетаси

Бош муҳаррир:
Бахтиёр АБДУСАТТОРОВ
Дизайнер:
Абдулазиз Аҳмедов
Шерзод Маманов

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиғи томонидан
2024 йил 7 майда
№271590 рақами билан
давлат рўйхатидан ўтказилган.

Муассис: «MAHALLA DAVRIY NASHRLARI» МЧЖ
Тахририят манзили:
100192, Тошкент шаҳри
Мустақиллик шоҳ кўчаси 59-уй.
Телефонлар:
71 233-39-89, 71 233-10-92.
Нашр кўрсаткичи: 148

«Шарқ» НМАК босмаҳонасида чоп этилди.
Босмаҳона манзили:
Тошкент шаҳри
Буюк Турон кўчаси 41-уй.

Газета тахририят компьютер марказида саҳифаланди ва офсет усулида босилди.

Ўлчами — 380x587, 4 б.т.
9 200 нусхада чоп этилди.
Буюртма №: Г-320

